

Ўшанда Янги йил кечаси эди. Кўпчилик катори Рўзи опа хонадондагилар ҳам байрамни нишонлаб, уйкуга ётганларида вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Бир пайт ховлида пайдо бўлган шуъла хонадон ахлини оёкка тургазди...

8 бет

Мухаббат - не-не афсоналар, не-не шох асарлар, машхур кинокартиналару дилларга хуш ёқувчи саноксиз кўшиқларга мавзу бўлган илоҳий туйғу. Биз одатда мухаббат дардига мубтало бўлган ошиқларнинг қахрамонликлари хақида кўп эшитганмиз. Бирок...

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 24-sentabr, №39 (664)

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 24 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги 625-ХП-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 260-П-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда) **23-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** тўлдирилсин:

"Биржа битимининг мазмунини ҳақидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади".

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Гаров тўғрисида"ги 736-ХП-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614 - П-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 156-модда) **45-моддасининг тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5 - 6, 153-модда, № 7 - 8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **179³-модда** билан тўлдирилсин:

"**179³-модда.** Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги ахборотни тақдим этишмаслик ёки тақдим этиш муддатларини бузиш, ички назоратни ташкил қилиш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни қонунда белгиланган ҳолларда ёҳуд махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмасига биноан тўхтатишга доир чора-тадбирларни кўрмаслик, худди шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш муносабати билан тижорат, банк сирини ва қонун билан қўриқланадиган ўзга сирни ташкил этувчи маълумотларни гайриқонуний равишда талаб қилиш, олиш ёки ошкор этиш -

Энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жазима солиши сабаб бўлади";

2) **245-модданинг биринчи қисми** "179³" рақамидан кейин "179³" рақами билан тўлдирилсин.

(Давоми 6-бетда)

Равшан МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазيري

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ

нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки барча ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаро олдидаги муҳим вазифалардан биридир

Инсоният тарихи урушлар, турли офатларнинг таҳликали таҳдидларини кечиб ўтиб тараққиётнинг глобаллашув даврида янада юксак чўққиларда турибди. Бир нарсга аён, башариёт ўз ўтмишида неки талофат қўрган ёки ривожланиш, тамаддун доволаридан ошган бўлса, бу барча воқеликларда инсоният турли қатламларининг хоши-иродаси, мақсади, манфаати намоен бўлиб келган.

Дунё глобаллашувининг кенг қамровли имкониятлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг беқидс қулайликлари бугунги жаҳон тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этган шубҳасиздир. Шу билан бирга бу имкониятлар турли ёвуз мақсадларни қўзлаган қимсаларнинг инсониятга қарши жиноий қилмишларининг кенг тус олиши, дунё бўйлаб тарқалишига ҳам воқеа бўлиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишлантиратган трансмиллий жиноятлар глобал муаммо сифатида ҳамон дунё халқларининг тинч-осойишта ҳаёт кечирishiга хавф солиб турибди.

Шу боис жаҳонда бу жиноят-

ларга қарши ҳамкорликда курашини қўлами тобора кенгаймоқда. Бинобарин, бу муҳдхш жиноятларнинг туб илдини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини топташ, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қимматиға таъовуз қилиш ва умуман ер юзи халқларининг ўз ватанида озола яшашдек ҳуқуқини поймол этишга қаратилган.

Хусусан, трансмиллий жиноятлар сирасига кирувчи одам савдосининг турли қўринишларидан дунёдаги барча мамлакатлар қайси-сидир даражаларда жабр қўрыпти. Бу эса ушбу глобал муаммони имкон қадар ҳал этиш, одам савдосига қарши курашишда халқаро миқёсда таъсир чораларини кучайтиришни тақозо этмоқда. Солдароқ айтганда, сайёрамизнинг қатъий чораларида пайдо бўлиб, эндиликда газак олган бу иллат инсониятнинг огриқли муаммосига айланди. Шу сабабли, ҳар бир давлат бу хавфдан ҳимояланишнинг қатъий чораларини қўриши, шу йўналишда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, конвенцияларга қўшилиши ҳам ҳаётий, ҳам ижтимоий-сиёсий зарурат даражасига кўтарилиди.

(Давоми 3-бетда)

ОБУНА — 2010

Ҳурматли газетхон!

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бугун олдимизда турган устувор вазифалардан эканлиги маълум. Бу жараён барча ҳуқуқий нашрлар қатори "HUUQ" газетаси зиммасига ҳам масъуляти вазифалар юкламоқда.

Шу маънода, "HUUQ" газетаси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай қўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари, прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақоалалар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Шунингдек, тахририятимизга йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди.

2010 йилда ҳам "HUUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади.

ОБУНА БЎЛИШГА ҚИЗҚИНА



Нашир кўрсаткичи 231

НОҚОНУНИЙ ФОЙДАНИ ДЕБ...

Ноқонуний валюта савдосини касб қилиб олган, шунинг ортидан даромад қилишга ҳаракат қилаётган айрим юртордошларимиз давлатимиз раъси ва иқтисодиётимиз таянчи бўлган миллий пул бирлигимизнинг қадрсизланишига, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга салбий таъсир кўрсатаётганларини қачон англаб етишадими?

"Тонг" кафеси олатлағидай гавжум. Сайёра (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) ҳозиргина танишган Нурбек ва Абдусатторлар билан гаплашиб ўтирар экан, улардан қандай иш билан шуғулланишларини сўради. Йигитлар аниқ жавоб беришмаган бўлса-да, қандайдир валюта операциялари борасида ёрдам бера олишларига ишора қилишди.

Ана шу танишувдан бироз ўтиб, Сайёра телефонда Нурбекдан бир масалада ёрдам бера оладими йўқми, сўради. Телефондаги суҳбат чоғида Сайёра 20.000 АҚШ доллари кераклигини айтди. Нурбек бу суммани "қора бозор" нархида топиб беришини айтганидан сўнг улар "айирибошлаш операцияси"нинг вақти ва жойини белгилаб олишди.

Шундан кейин Нурбек қайта-қайта телефон қилиб пулни ай-

тилган жойга етказишни сўрайвергач, Сайёра иккиланиб қолади. У Нурбек ва Абдусатторнинг хатти-ҳаракати ноқонуний ва шубҳали эканлиги боис, бу ҳақда ҳуқуқ-тартибот органига ариза билан мурожаат қилади.

Бу вақтда Нурбек ва Абдусаттор Шероҳбек исмли танишини 20.000 АҚШ доллари бериб туришга кўндиришган ва "айирибошлаш"дан қоладиган фойдани ўртада тенг бўлишга келишиб олишган эди. Лекин ноқонуний йўл билан мўма фойда кўрамиз деб ўйлаган йигитлар адашган эдилар.

Улар белгиланган жойда 20.000 АҚШ долларини Сайёрага "қора бозор" нархида пуллаётган вақтида СВОЖДЛҚКД Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси тезкор ходимлари томонидан жиноят устида ашёвий далиллар билан ушландилар. Жиноят ишлари



бўйича Мирзо Улугбек туман судининг ҳукми билан Н.Анваров, Ш.Саиджонов ва А.Ҳалимовларнинг ҳар бири қонунида белгиланган жазога ҳисобланган торттидилар. Ашёвий далил сифатида олинган 20.000 АҚШ доллари давлат фойдасига мусодала қилинди.

Биз мисол келтириб ўтган бу иш ҳамон ноқонуний валюта операцияси ортидан даромад қилиш истиғиди юрталарга сабоқ бўлса ажаб эмас.

Жамолиддин ҲОШИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
АМИБ терговчиси

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Андижон вилояти пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича Республикада етакчи вилоятлардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бутунг куннинг энг долзарб вазифаси - 2009 йил ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йигиб-териб олишни таъминлашдир.

Яқинда вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йилги мазкур масалага бағишланди. Йилги ишнинг вилоят ҳокими А.Усмонов олиб борди. Танқидий руҳда бўлиб ўтган йилги ишда вилоят прокурори Б.Деҳқонов ўтган йил пахта йигим-терими мавсумида йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари ва жорий йил мавсумига тайёргарлик кўришни ташкил этиш аҳволи юзасидан маъруза қилиб, жойларда бу борада сусткашликка йўл қўйилаётганлигини айтиб ўтди.

Жумладан, "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси томонидан йигим-теримда қатнашувчиларга этак, брезент, тарози, палатка етказиб беришда камчиликлар мавжуд. Трактор ва тиркамаларни таъмирлаш учун 1,8 млрд. сўм маблағ талаб этилса-да, бунинг ечими шу кунга қадар ҳал этилмаган. Натижада 189 та транспорт трактори, 533 та тиркама ҳанузгача таъмирдан чиқарилмаган.

Тизимдаги Бўй, Пултуғ, Хўжабод, Чинобол, Ўқчи, Сўфиқошда пахта тозалаш акциядорлик жамиятлари қошидаги пахта қабул қилиш масканларида ўт ўчириш воситалари тўлиқ тайёр ҳолга келтирилмаган.

Ана шундай камчиликлар оқибатида Шаҳрихон туманидаги В.Усмонов номли пахта тозалаш корхонасида ёнгин содир этилиб, жамиятга 8,1

млн. сўмлик зарар етган. Бу ҳолиса бўйича мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб беришга мажбур. Бу қонунларимизда қатъий белгилаб қўйилган. Лекин "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги корхоналарда ишчи-хизматчиларга ҳисобланган 3 млрд. сўмга яқин иш ҳақи ўз вақтида тўланмай келинмоқда. Бу билан Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 88-сонли қарор талаблари бузилмоқда.

Пахта йигим-терим мавсумини зўр масъулият, топширилган ишга нисбатан виждонан муносабат ва қонун устуворлиги асосида ушшоққоқ билан ўтказайлик. Деҳқонларнинг пешона тери билан етказилган ҳосилнинг бир граммининг ҳам нест-нобуд қилмасдан омондорларга топшириш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бу соҳада йўл қўйилган ҳар қандай камчилик ўзининг қонуний баҳосини олади.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2009 йил ҳосили пахта хом-ашёсини ўз вақтида ва сифатли йигиб-териб олишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан назорат тадбирлари давом этмоқда.

Зафарбек ҒУЛОМЖОНОВ,
Андижон вилоят прокуратурасининг
бўлим катта прокурори

ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ...

Меҳнат қилишга лаёқати бўлмаган одам тирикчилигини қандай ўтказаси? Албатта, ойма-ой олиб турладиган нафақаси ҳисобига-да! Агар у дафтан нафақасини бир неча ойлаб оломай қолса, қандай аҳволга тушадими?

Вилоят прокурори номига Россия Федерацияси, Лиски шаҳри, 8-март кўчаси, 3-уйда яшовчи фуқаро А.Я.Плюхин ариза билан мурожаат қилиб, собиқ иттифок даврида у ишлаган "Узун пахта" ОТҲЖ томонидан 2008 йил март ойидан буён унга тўланиши лозим бўлган ноғиронлик нафақаси тўланмаётганлигини баён этган, нафақа пулини олишга кўмак беришни сўраган.

Ариза матнида маълум бўлишча, А.Я.Плюхин "Узун пахта" тозалаш заводида ишлаган пайтида, 1961 йилда меҳнат жараёнида майиб бўлиб, бир қўли-

дан айрилган. ОТҲЖ томонидан ноғиронлик нафақаси илгари тўлаб келинган бўлса-да, бироқ 2008 йилнинг март ойидан бошлаб жамият масъул ходимлари айби билан тўловнинг узилишига йўл қўйилган.

Жумладан, шу йилнинг 27 апрел кўни ОТҲЖ томонидан ҳуқуқшунос Ж.Қосимов номидан 361 минг сўм нафақа пул маблағи "Ўзсаноатқурилишбанк" Шарғун филиалининг "Мигом" тармоғи орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг шу кунги белгиланган курси бўйича 250 АҚШ доллари миқдорига ҳисобланиб, А.Я.Плюхинга юборилган. Бироқ Ж.Қосимовнинг эътиборсизлиги, яъни пул олувчига тегишли тартибда код рақами кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилмаганлиги оқибатида пенсионер ўз пулини ололмаган.

Жорий йилнинг сентябрь ойигача А.Я.Плюхинга тўланиши лозим бўлган 556 минг сўм ҳамда у ололмаган 361 минг сўм, жами 917 минг сўм, шу кунга, белгиланган курс бўйича 500 АҚШ доллари миқдорига ноғиронлик нафақаси прокуратура билан аризалари билан тўлаб берилиши таъминланди.

Ўз навбатида жамият ҳисобхонасида А.Я.Плюхинга ноғиронлик нафақаси амалдаги қонунларга мувофиқ ҳисобланган бўлса-да, бироқ тўловга биринчилар қаторида қаратиш чоралари кўрилмаганлиги учун "Узун пахта" ОТҲЖ бош ҳисобчиси У.Мўминов ҳамда ҳуқуқшунос Ж.Қосимовларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Ш.САОДАТОВ,
Сурхондарё вилоят
прокуратураси бўлим прокурори

АМНИСТИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Урганч шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори ва мазкур қарорни қўллаш тартиби ҳақидаги Низомни амалиётда жорий этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан йилгилиш бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилоят прокуратура органлари, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚКД вилоят бошқармаси, ички ишлар бошқармаси, МХХ вилоят бошқармаси, жиноят ишлари бўйича ишлари вилоят суди ва божхона бошқармаси ходимлари қатнашдилар.

Йилгилишнинг вилоят прокурорининг ўринбосари Баҳодир Умаров очаркан, инсонпарварлик тамойилига асосланиб қабул қилинган қарор моҳияти жиҳатидан жамият ҳаётида ўта муҳим сиёсий-тарихий ва ҳуқуқий масала саналишини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси И.Муслимов Олий Мажлис қабул қилган қарор ўн битта банддан иборат бўлиб, унга асосан аёллар, жиноят содир этган қатта 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар, чет эл фуқаролари, эҳтиёсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий ҳаффи қатта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод этилиши ҳақида гапирди. Шунингдек, Амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг бошқа бандлари талаблари ҳақида атрофлича сўз юритди.

Амнистияни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом талабига кўра, мазкур қарор таъсирига тушган шахсларга тегишли жиноят ишлари ва материаллар судлар томонидан ҳал этилади. Содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишларга ҳам татбиқ этилиши нотик томонидан алоҳида қайд этилди.

Жазони ўташ жойидан озодликка чиқарилганларнинг ижтимоий ҳаётга мослашуви, вояга етмаганлар ва тақдирланган ташкилотларнинг собиқ аъзоларига нисбатан тарбиявий таъсир чоралари таъминланиши лозим. Амнистия акти қўлланилишида очиқ-ошкоралик ва жамоатчилик назоратининг амалга оширилишини таъминлаш учун сенаторлар, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакили, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар масъулдир. Иштирокчиларнинг бу каби масалаларга доир саволларига атрофлича жавоб берилди.

Райҳон ЮСУПОВА,

Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси



ОЗОДЛИК НЕЪМАТИ

Фарзанди дунёга келганида инсон не-не ният ва мақсадлар қилади, жигарбанднинг қамоллини кўриш, уни келажакда бошқалар ҳавас қиладиган инсон бўлиб етишишини Яратқандан сўраб яшайди. Лекин, инсон ҳаёти ҳамиша бир маромад кечмас экан: тарбияда йўл қўйилган хатолар ёки атрофдаги носоғлом муҳит таъсирида баъзи ёшлар вояга етмасиданоқ жиноят кўчасига кириб қолади. ИИВ ЖИЭББга қарашли Зангиота тарбия муассасаси шундай ёшларни жазо муддатини ўташ даврида қайта тарбиялаб, келгуси ҳаётларида ўз йўлини топиб кетишига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигига ўн саккиз йил тулиши муносабати билан Ўртабосимиз Ислам Каримовнинг тақдирномасига мувофиқ Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорига асосан ўшбу муассасадан биринчилар қаторида бир неча тарбияланувчилар жазодан озод қилинди.

Жорий йилнинг 16 сентябрь кўни Зангиота тарбия муассасасида Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туман судининг сайёр мажлиси ўтказилди. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг ижросига доир ўшбу мажлисда туман жиноят ишлар суди раиси Д.Изатов, Тошкент вилояти махсус прокурори ўринбосари Р.Ҳамидов, муассаса бошлиғи Ф.Намозов, туман суди ходимлари иштирок этишди. Ўшбу мажлисда муассаса тарбияланувчилари Аҳрор Асроров, Умиджон Қўшоқов, Санжар Саидов, Шерхон Турсунов, Отабек Шоумаровлар амнистия актига асосан жазони ўташдан озод этилдилар. Озодлик неъматининг нақадар улуғлигини, қадрини йигитларнинг ва ота-оналарнинг кўзларидан билиш мумкин эди.

Тарбияланувчилар ва уларнинг ота-оналари ўшбу амнистия қароридан мамнун эканликларини билдириб, кечиримли халқимизга, ёшларга қатта эътибор қаратаётган Ўртабосимизга миннатдорчилик билдириб қолдилар. Улар келгусида Ватан ва халқ хизматида бўлишга ваъда бердилар.

ИИВ ЖИЭББ матбуот хизмати

(Давоми. Бошлангани 1-бетда)
 Ер юзида кенг тус олиб улгурган бундай халқаро хавфга қарши ҳамкорликда курашиш мақсадлида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунинг таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилигимизнинг одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олишга оид метёрлари умумэтироф этилган халқаро ҳужжатларга мос келади. Бу аввало, мустақил мамлакатимизнинг Бош қомусида "демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" деб қўйилган мустақамланганлигида ёрқин акс этади. Конститу-

тувор вазифанинг теран моҳияти, мазмунини янада ойдинлашди. Қолаверса, ҳар бир юртошимизнинг бундай таҳликали таҳдидлардан холи яшаш жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оилаларда тинчлик-хотиржамлик, бағрибунтулик ҳукм суриши билан боғлиқлигини эътибордан қолдириб бўлмайди.

2008 йил 17 апрелда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни мувофиқ одам савдоси жинояти билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, одам савдосидан жабрланганларнинг ҳамсотилишига йўл қўймаслик, ижтимоий ҳамкорлик одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари сифатида белгиланиши бежиз эмас. Мазкур

тив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш бўйича 2009 йилга мўлжалланган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режаси" асосида қилинаётган бир қатор амалий ишлар ҳақида сўзлаб, таҳлилий мулоҳазалар юритиш мумкин.

Кези келганда, дунё миқёсида олиб қараганда одам савдоси жиноятидан, айниқса, аёллар ва болалар кўпроқ жабр кўраётганига эътибор қаратиш жоиз. Шу бос, тарғибот ишларимизда аҳолининг барча қатламларини жалб этиш, хотин-қизлар ва ёшларнинг маънавияти, онг-тафаккурда тўғри қарашларни мустақамлаш, болалар ва ўсмирларга жиноятчиларга алданиб қолмаслигини содда, тушунарли ва ишончли тарзда тушунтиришга жиддий ёндашилган. Албатта, жойларда тарғибот-

муружаатларни кўриб чиқишда ички ишлар идоралари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида ФХД, нотариат, адвокатура органларига тегишли вазифалар юклатилган.

Худудий адлия идоралари томонидан ишлаш, даволаниш, дам олиш ва бошқа мақсадларда чет мамлакатларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёзма ёки оғзаки ҳуқуқий тушунтириш ва ёрдам кўрсатишда Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Ўзбектуризм" Миллий компаниясининг худудий идоралари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик чора-тадбирлари режаси амалиётга йўналтирилган.

Тошкент Давлат юридик инсти-

га айлантиради. Ҳатто ўз юртодошлари, қариндошларини ҳам бу қабихлик домига илтиртиришдан тоймайдиганлар ҳам борлиги ҳар бир инсонни ҳушёр тортирмоқчи.

Ёшлар эртанги кунимиз эгалари, бизнинг келгуси бахту иқболимиздир. Мухтарам Ўртобимиз "Юксак маънавият - энгилмас куч" асарига таъкидлаганидек, "Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажак учун амалга оширилимоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, модул мулк билан белгиланмайди. Одобли, билим билан ақли, меҳнатсевар, иймон-этикодали фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир".

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ

нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки барча ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаро олдидаги муҳим вазифалардан биридир

циямизга мувофиқ: "Ҳеч ким қийноққа солиниши, зуравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қиммати кимситуви бошқа тарздаги таъқиққа дучор этилиши мумкин эмас".

Истиқлол шарофати туфайли юртимиздаги ҳар бир инсон ўз қадр-қимматига муносиб тарзда олод ва эркин яшаш, меҳнат қилиш, ўз меҳнати натижаларидан манфаатдор бўлиш, барча ҳуқуқ ва эркинликларидан дахлсиз равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлиши.

Мамлакатимизда трансмилий жиноятлар, жумладан, одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш юзасидан қўйлаётган кенг қўламли чора-тадбирлар, яратилган ҳуқуқий асослар ҳам ана шу мустақам таъминларнинг амалий ифодалари мавжуд.

Шу ўринда 2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикасининг "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколини ратификация қилиш тўғрисида" ги Қонуни қабул қилинганлигини алоҳида қайд этмоқчимиз.

Энг муҳими, бу йўналишда ҳаётга изчил таътиб этилаётган қонуний ҳужжатлар, бир қатор дастур ва режаларга назар ташлаб, ҳуқуқимиз мамлакатимизда истиқомат қилаётган бирор инсон бу муҳдхш жиноятнинг қурбонига айланиб қолмаслиги учун жула қатъий ва жиддий чоралар кўраётганлиги, барча савй-ҳаракатлар комплекс равишда амалга оширилаётганини чуқур англаймиз. Бинобарин, бу савй-ҳаракатларга нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки барча турдаги ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчилик жалб этилган. Зеро, ҳар қандай жиноий иллатга қарши курашиш ҳар бир инсонда ўз тақдир ва ҳаётига бефарқ бўлмаслик, бу масалада доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш ҳиссини кучайтиришдан бошланади, десак янглишмаймиз.

Мустақил мамлакатимиз фуқароларининг, тинч-осойишта ҳаёти, уларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлаш энг муҳим устувор вазифаларимиздан саналади, албатта. Мухтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, бизнинг энг асосий бойлигимиз - халқимиз эканлигини назарда тутсақ, бу ус-

Қонунига биноан давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятини амалга оширувчи давлат органларига қўмақлаштириш ҳамда зарур ёрдам кўрсатишлари лозим.

Юртимиз фуқароларини бу турдаги жиноятнинг муҳдхш оқибатларидан асраш, ҳимоялаш ушбу жиноий хатти-ҳаракатдан жабр кўрганларга амалий ёрдам кўрсатишга доир чора-тадбирларнинг ҳуқуқий базаси яратилиши билан бир қаторда мажмуавий йўналишлар ҳам белгиланган.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарорига асосан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идораларо комиссияси белгиланган Низом асосида бу борада кенг фаолият юритмоқда. Республика идораларо комиссиясининг 2009 йилининг 2-ярмида амалга оширилиши кўзда тутилган тарғибот тадбирларига оид режаси айни пайтда ижрога йўналтирилган. Унга қўра, тегишли вазирликлар ҳамда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Хотин-қизлар қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, "Маҳалла" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ижтимоий фикр" жамоатчиликлари маркази олдига қўйилган аниқ вазифалар ижроси изчил таъминланмоқда. Республика идораларо комиссияси таркибиде Адлия вазирлиги зиммасига ҳам шу йўналишда кенг қўламли тарғибот ишларини самарали тарзда амалга ошириш масъулияти юклатилган.

Булардан қўриниб турибдики, бу ўта долзарб, муҳим иш барча ташкилот ва муассасалар, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда жамиятнинг маънавий ҳаётига бевосита масъул ташкилотлар олдига кечтирилиб бўлмайди, кенг қамровли ишларни оғишмай бажаришдек катта вазифаларни қўймоқда.

Хусусан, адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори ҳамда бошқа норма-

нинг самарали ва таъсирчан услубларда ўтказилишини таъминлашдек зарур талаблардан келиб чиқиб иш олиб боришмоқда. Шу мақсадда тадбирлар жараёнида мавзуга оид видеотасмалар, кўргазмали воситалардан кенг фойдаланишмоқда, одам савдоси, унинг салбий оқибатларини акс эттирувчи плакат ва буклетлар тайёрланиб жойларда тарқатилган.

Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори билан тасдиқланган 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режасининг тегишли бўлиmlарига мувофиқ амалга оширилган бир қатор ишлар самарали бўлмоқда. Жумладан, мамлакатимиз фуқароларининг чет элга ишлаш, даволаниш, дам олиш ва бошқа мақсадларда чиқиши юзасидан маслаҳат ва ҳуқуқий ёрдам беришга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари мунтазам равишда ташкил этилмоқда.

Айни йўналишдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирларини рақамларда ифода қилишдан бўлсақ, 2009 йилининг январь-июль ойлари давомида адлия органлари ва муассасалари томонидан одам савдосига қарши курашиш ва унинг оқибатларини кенг халқ оммаси орасида тушунтириш юзасидан жами 2285 мартаба тарғибот тадбирлари ўтказилган. Ушбу тадбирларда одам савдосининг трансмилий жиноятларнинг бошқа турлари билан боғлиқ жиҳатлари ҳам назардан четда қолмапти. Шу ўринда тарғиботнинг энг таъсирчан воситаси бўлган марказий ва маҳаллий ОАВ имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этаётганлигини эътироф этиш жоиз. Миллионлаб томошабинларини жамлаган телевидение, радио, кўп сонли мухлисларга эга бўлган газета ва журналларда кўп қатлам қишлоқ аҳолини бефарқ қолдирмайти, деб ўйлаймиз. Бу аҳолининг мулоҳазалари ҳамда фуқаролар қилаётган муружаатларда ҳам ўз ифодасини топаётган. Оммавий ахборот воситаларидаги қишлоқларда фуқароларни огоҳликка ундаб, турли мақсадларда ноқонуний йўллар билан хорижга чиқишининг салбий оқибатларини мутахассисларимиз томонидан атрафиҳа, қўлаб ҳаётий мисоллар, жиддий таҳлиллар асосида тушунтириб берилмоқда.

Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ҳар бир муружаатини алоҳида назоратта олиш, ушбу

тути, Тошкент юридик коллежи, ТДЮИ қўшилаги академик лицейда талабалар ва ўқувчилар учун мавзуга оид махсус ўқув машғулоти жорий этилганлиги ўсмир-ёшларнинг ушбу жиноят ҳақида атрафиҳа маълумотга эга бўлишлари, унинг мазмуну, ҳуқуқий оқибатларини англаб етишларида катта ёрдам беришти.

"Одам савдосига қарши курашиш - давр талаби", "Инсон озодлиги - миллатга ҳисбатидир", "Биз ёшлар одам савдосига қаршимиз" каби қўлаб мавзуларда юртимизнинг шаҳар ва туманлари, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида ташкил этилган семинар ҳамда давра суҳбатлари қизгин мулоқот, фойдала фикр алмашувлар, савол-жавоблар тарзида ўтаётганлиги, бундай тадбирларни янада кенгроқ ва кўпроқ амалга оширишга ундайди. Одамлар билан юзма-юз, жонли мулоқотда бўлишнинг ўзига ҳосили ҳам шунда. Бундай тарғибот тадбирларига ёшларни жалб этиш алоҳида назарда тутилган. Аксарият ҳолларда бир эмас, бир неча давлатлар доирасида жиноий гуруҳлар томонидан содир этилаётган одам савдоси жиноятининг юртимизда чуқур илдириштига йўл қўймаслик, келажатимиз эгаси бўлган фарзандларимизни чегара билмас бу иллат домига тушиб қўйилшдан асрашимиз шарт. Буни адлия идоралари ва муассасалари ходимлари чуқур англаб, ҳар бир тадбирнинг қутилган натижаларини беришини таъминлаш устида жиддий ўйлаб, масалага ана шу масъулият ҳисси билан ёндашмоқдалар.

Таассуфки, халқаро уюшган жиноий гуруҳларнинг яширин иқтисодий даромад манбаига айланиб, миллион-миллион болалар, айниқса, ёш хотин-қизлар ҳаётига, соғлиги, қадр-қиммати, ҳаётини бўлаётган бу муҳдхш жиноят кўринишлари Ўзбекистоннинг ҳам четлаб ўтмапти. Унинг ҳар қандай кўриниши ҳеч бир фуқаромизнинг эртанги тақдирига, дахлсиз ҳуқуқлари, тинч ҳаётига жиддий таҳдид солишига, бу иллатнинг тизгинсиз тарқалишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳаётий таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу чиркин жиноят билан шуғулланувчи кимсалар айрим ёшларни шохона қўлайликлар, мўмай пул топишининг кечксиз имкониятлари ҳақида қуруқ ва ёлгон ваъдалар бериб, алдаб, ноқонуний йўллар билан хорижий давлатларга олиб чиқиб кетиш орқали уларни ўз қабих жиноятлари қурбони-

Яна шунини айтиш жоизки, мутахассисларимиз тарғибот тадбирларида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида" ги Қонунида белгиланган метёрларини тушунтириш ҳам назарда тутилган. Жумладан, одам савдоси, яъни одамнинг олиштиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадлида ёллаш, ташини, топириши, яшириши ёки қабул қилиш ва бошқа шу каби қилимларнинг ҳуқуқий оқибатларини, бундай ҳолатлар жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида батафсил маълумот бермоқдалар. Бинобарин, ўзлари танитмаган кимсаларга ҳаёлий бойлик илтижиде эргашиб, боши берк қўчага кириб қолганлар улар томонидан мажбурий меҳнат ёки бошқа хизматлар, фахш билан шуғулланишга, эркин ҳаётда, тутқунликда яшашга мажбур этилапти. Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишдек муҳдхш қабихликларга дучор қилинапти. Инсонийлик қиёфасини буткул йўқотган, бу муҳдхшликларни содир этаётганлар баъзан ўз юртодошларимиз бўлиб қиқаётганлиги ниҳоятда таассуфланарли ҳолдир.

Инсон яралибдики, ҳурлик, озодликка интилади. Ўз ҳаётини яхшилаш, орзу-мақсадларига эришиш, бахту иқболини аввало ўз эрки, ҳуқуқ ва манфаатларининг мустақам ҳимоясида қўради. Озодлик истиғи нафақат инсон, балки табиатдаги ҳар бир мавжудотга тааллуқли бўлса, ажаб эмаски, олдги тийхунинг нурга қараб тилинишида бунинг ифодасини кўргандек бўламиз. Инсон эса она замин гултоғи, унинг гуллаб-яшнаши, ер юзида ўз ҳаётининг давомийлиги масъулдир.

У ўз тарихида кўрган ва бошидан кечирган қудлик тушунчасининг ҳозирда бошқачароқ кўринишлари таҳдиди, хавфини сезиб, англаб турибди, бу жиноятдан жабр қўрапти. Жаҳон жамоатчилиги асримизнинг одам савдоси аталмиш глобал муаммоси қариндаси инсоният ақл-заковати, тарихий тафаккури, умуммилий ҳамда миллий қадриятларини қалқон қилиб, бу муҳдхш жиноятга чек қўйиш учун жиддий курашмоқда.

Мустақил мамлакатимиз фуқароларини одам савдоси ва унинг салбий оқибатларидан асраш олий қадрият саналиши инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

ВАЪДА ҚИЛИНГАН МУКОФОТ ҚАНИ?

Баъзан қўлаб марказий газеталарда бериладиган эълонларда қимматли ҳужжатли ёки шунга ўхшаш бошқа нарсасини йўқотгани ва уни топиб олган шахсларга мукофот берилиши ваъда қилинади. Айтинчи, агар ана шундай эълонда айтилган нарсани бироқ бир киши топиб олма-да, лекин эълон берган киши топишган бўлса, мукофотни бермасликка ёки бўлмаса, бунинг эъзига эълонда кўрсатилганидан кўра арзimas пул беришга ҳақлими? Лекин энг қизиқарлиси, йўқолган буюмни топиб олганга қанча мукофот берилиши айтилмайди. Бундай ҳолатни қандай баҳолаш мумкин?

Ш.АЛИМОВ,
Ангрен шахри

Бу каби ҳолат Фуқаролик кодексининг 981-моддасида аниқ ва равшан келтириб ўтилган. Жумладан, бу каби эълонда кўрсатилган ҳаракатни ким унда белгиланган муддатда бажарса, ўшанга пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофотни бериш тўғрисида ошкора эълон қилган шахс тегишли ҳаракатни содир этган ҳар қандай шахсга ваъда қилинган мукофотни тўлаши шарт. Лекин мукофотни тўлаш мажбурияти мукофот ваъда қилиниши унинг ким томонидан ваъда қилинганини аниқлаш имконини берган тақдирда юзага келади. Шу билан бирга ваъдага қизиқиш билдирган шахс ваъдани ёзма равишда тасдиқлашни талаб қилишга ҳақли ва, агар ҳақиқатда мукофот тўғрисидаги эълон унда кўрсатилган шахс томонидан қилинмаган бўлиб чиқса, бундай талаб қўйилмаганлиги оқибатлари ҳақи унинг зиммасида бўлади.

Агар мукофотни ошкора ваъда қилишда унинг миқдори кўрсатилмаган бўлса, у мукофотни ваъда қилган шахс билан келишувга кўра аниқланади, низо келиб чиққан тақдирда эса судга аниқланади.

Мукофотни тўлаш мажбурияти, тегишли ҳаракат эълон қилиниши муносабати билан ёки ундан муъассо тарзда бажарилганидан қатъи назар, юзага келади.

Эълонда кўрсатилган ҳаракатни бир неча шахс содир этган ҳолларда, улардан талабни биринчи бўлиб билдиргани мукофотни олиши ҳуқуқига эга бўлади.

ЭЛЛИККА ЭЛЛИКМИ?

Биз уч нафар фарзандимиз билан ижарада яшаб келардик. Шароитимиз жуда оғир эди. Шу боис қайнонам вафотидан олдин ўз тулар жойини турмуш ўртоғимга васият қилган эди. Лекин уларнинг вафотидан сўнг, биз оиламиз билан бу уйга қўчиб қирмоқчи бўлганимизда турмуш ўртоғимнинг ака-укалари қаршилик қилиб, бизни киритмади. Нотариусга бориб васиятнома бўйича уй бизга қолдирилганини айтсак, нотариус унинг эллик фонзини олишларингиз мумкин, чунки қолганларнинг улуши ҳам бор деб айтди. Қонун бўйича оиланда шу тўғрими?

Э.ЖАББОРОВА,
Тошкент шахри

Фуқаролик кодексининг 1120-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ, фуқаро вафот этишидан олдин ўзига тегишли бўлган мол-мулкни ўз хоҳиш иродасига кўра истаган шахсга васият қилиб қолдириши мумкин. Бунда васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини эъзо бераган ҳолда меросдан қайтар қилишга ҳақли.

Сиз тилга олган васиятномада турмуш ўртоғингизга мол-мулкнинг эллик фонзи қолдирилганлиги айтилган бўлса, унда мулкнинг қолган қисми васиятномада айтилган қолган шахсларга тегишли бўлиб, нотариуснинг талаби тўғри бўлади. Агар васиятномада бундай дейилмаган ва васиятнома юзасидан низо келиб чиқаётган бўлса, унда бу ҳусула судга мурожаат этиш лозим.

ВАҚТИНГ ТУГАДИ

Мен кичик корхонада мутахассис бўлиб ишлайман. Лекин шу билан бирга фирма ташкил этилганидан бери ярим ставкада кадрлар бўйича нозир вазифасини ҳам мен бажариб келаман. Ҳар йили ҳар бир ходим билан вақтнинг ўтиши билан шартнома қиламиз. Агар ходимлар билан келгуси йилга шартнома тузмасак, муддати тугаган меҳнат шартномаси бўйича келгуси йилга ҳам ишласа бўладими? Агар ходимлардан бирортаси меҳнат шартномасининг муддати тугаётган вақтда узоқ муддатга хизмат сафарига юборилган бўлса, унда унинг меҳнат шартномасини бекор қилиш қандай бўлади?

Т.ТЎРАЕВ,
Чирчиқ шахри

Агар иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасининг муддати тугаган бўлиб, меҳнат муносабатлари давом этаверса ва тарафлардан бирортаси (иш берувчи ёки ходим) бир ҳафта давомда уни бекор қилишни талаб қилмаса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади.

Агар ходимлардан бирортаси хизмат сафарига юборилган ёки иш жойи сақланиши лозим бўлган, лекин меҳнат шартномаси бекор қилинадиган вақтда ишла бўлмаган ходим билан тузилган меҳнат шартномаси у ишга қайтган кундан эътиборан бекор қилинади (МКнинг 105-моддаси).

АЙБСИЗНИНГ АЙБИ

Менга бундан бир неча йил олдин тўхмат қилишиб, айб қўйишди ва шу туфайли ишдан бўлатилдим. Сў ҳукмига кўра менга уш йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланиб, амнистияга кўра жазодан озод қилиндим. Лекин шунга қарамай, мени аввалги иш жойимга ишга олишмаяпти. Айбим йўқлиги туфайли жазодан озод қилинган бўлсам, иш берувчи олдинги ишимни қайтаришга мажбур эмасми?

Ж.ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Самарқанд шахри

Агар суд томонидан белгиланган жазодан эълон қилинган амнистия актига кўра озод қилинган бўлсангиз, бу сизнинг айбсиз эканлигингизни билдирмайдди. Жазодан амнистия актига кўра озод этиш инсонпарварлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, содир этилган қилмишининг кечирилганини билдирмади. Агар сиз бундан норози бўлсангиз, мазкур ҳолат юзасидан юқори турувчи органга шикоят билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Иш масаласига келадиган бўлсак, агар жиноят иши бевосита иш фаолиятингиздан келиб чиққан ҳолда қўзғатилиб, суднинг ҳукми ана шу асосда чиқарилган бўлса, сизга қўйилган айб юзасидан оқлов ҳукми чиқарилган тақдирдагина аввалги ишингизга тикланишингиз мумкин. Бунда ўтган вақт мобайнидаги иш ҳақи тўлаб берилади.

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди

ЎЗНИНГНИ ҚИЗҚИРТИРГАН

ЎЗНИНГНИ ҚИЗҚИРТИРГАН

«Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки 233-26-62 телефон рақамига қўнғироқ қилиб беришингиз ҳам мумкин.

ФАОЛИЯТСИЗ КОРХОНАНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Бундан бир неча йил аввал яқин танишларим ҳамкорликда бир фирма ташкил этишган эди. Дастлаб улар нимадир ишлаб чиқариб, яна нимааларидир олиб келиб сотишди. Лекин кейинчалик, шерикликдаги мулкдан фойдаланишда ўртада қандайдир тушунмовчиликлар юзага келиб, улар бирин-кетин ажрала бошлашди. Яъни, ҳар ким ўз улушини олиб тавассилликдан чиқиб кетди. Аммо фирманинг барча зарурий ҳужжатлари, муҳр ва қолган мол-мулклари шундайлигича қолиб кетди. Уни қизиқиш билан ўз қўлига олиб бошқаришдан одам қолмади. Бошқача қилиб айтганда, корхона эъзис бўлиб қолди. Мана яқин бир йилдан буён фирма умуман фаолият кўрсатмайди, ҳеч ким ҳеч қаргга ҳисобот ҳам топишмайди, ахборот ҳам беримайди. Бундай вазиятда нима қилиш керак?

З.САФАРНИЁЗОВ,
Тошкент шахри

вом этиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида сўровномалар юборилади.

Солиқ органи, корхона фаолиятини бундан кейин давом этиришининг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида махсус комиссия хулосасини олган тақдирда уч кун муддатда уни корхонани тугатиш тўғрисидаги тақдимнома билан бирга рўйхатдан ўтказувчи органга юборилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган (фаолият кўрсатмаётган) корхоналар ва қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган, шу боис тугатиш лозим бўлган корхоналар реестрини юритади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар фаолият кўрсатмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддат мобайнида устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналар реестрига киритилган корхоналар тўғрисида улар бўйича алоҳида ҳисоб олиб борувчи тегишли статистика органларига ҳар ойда маълумотлар тақдим этади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ёки қонунчиликда белгиланган муддатда ўз устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини бундан кейин давом этиришининг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида солиқ органининг тақдимномасини ёки махсус комиссиянинг хулосасини олган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда муассисларга (катнашчиларга) асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда корхонани ихтиёрли тугатишни таклиф этади.

Агар корхона икки ҳафта муддатда (акциядорлик жамияти — бир ой муддатда) ихтиёрли равишда тугатилмаган ёхуд корхона муассислари ихтиёрли тугатишни амалга оширишни рад этган, шунингдек кўрсатиб ўтилган шахсларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда, рўйхатга олувчи орган бир ҳафта муддатда ҳўжалик судига корхонани тугатиш тўғрисидаги даъво аризасини белгиланган тартибда юборилади.

Ҳўжалик суди томонидан корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш жараёни унинг топиригига кўра махсус комиссия томонидан амалга оширилади.

Корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган ҳўжалик суди бу ҳақда корхонани давлат рўйхатидан ўтказган органга ҳамда махсус комиссияга ёзма равишда хабар бериши шарт. Шу асосда рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг давлат реестрига корхона тугатиш босқичида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни ёзиб қўяди, махсус комиссия эса корхонани тугатиш амалга оширишга киришади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, мазкур Низом билан корхоналарни мажбурий тугатиш бўйича тартиб белгиланган ҳамда ушбу жараёнда бевосита иштирок этадиган органларнинг бажарилиши лозим бўлган аниқ вазифалари кўрсатилган.

Миродил МАХМУДОВ,
Юридик шахсларни давлат
рўйхатидан
ўтказиш бошқармасининг катта
маслаҳатчиси



Қадимдан ота-боболаримиз овқатланишга катта аҳамият бериб келган. Машҳур табиб, тиббиёт фанининг асосчиси Абу Али ибн Синонинг овқатланиш қоидалари, метёрлари ва озиқ-овқатларни қадашда санитария гигиена қоидаларига оид рисоалари доимо долзарб аҳамиятга эга.

Миллат саломатлиги ҳар бир фуқарога боғлиқ. Ота-оналар фарзандининг кийим-кечагидан аввал, соғлиғи ва овқатланишига эътибор бериши бежиз эмас. Гоҳ транспортда, гоҳ ишхонада уяли телефон орқали гаплашаётган аёлларнинг сўхбатига элас-элас қулоққа чалиниб қолади: Болам, мактабдан келиб овқатландингми. Холдидиникинг овқатни иситиб егин...

Тан олиш керак, баъзан шошганимиздан ё зарурат туфайли кўчада овқатланишга тўғри келади. Аммо тановул қилинаётган таомлар ва турли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолга яроқлими? Масалан, бозордан харид қилаёт-

ридан бири ҳисобланади. Организмнинг физиологик эҳтиёжлари турли шарт-шароитларга боғлиқ бўлади.

Инсон тановул қилаётган таомларнинг озиқ-овқат маҳсулотларидagi озиқ моддаларнинг ҳусусиятларига организм доимо эҳтиёж сезади. Овқатланиш жараёнидаги организм ҳаёт фаолияти учун муҳим озиқ моддалар (оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар, минерал тузлар)ни олиб туради. Булар эса ўзлаштирилиш жараёнида организмнинг энергияга бўлган эҳтиёжини қондириб боради. Турли озиқ моддалар ва энергияга бўлган эҳтиёж одамнинг ёши, жинси ҳамда меҳнат тарзига қараб ҳар хил бўлади. Меҳнат фаолияти характерини ҳисобга олган ҳолда овқат рационини тўғри тузиш учун овқатланиш гигиенаси соҳасидаги мутахассис олимлар катта ёшдаги кишиларнинг ҳаммасини 4 гуруҳга бўлишади. Биринчи гуруҳга ақлий меҳнат ходимлари қиради. Иккинчи гуруҳга механи-

ланади. Бир жиҳатта доимо аҳамият бериш керакки, кеска кишилар овқати, ҳомилдор аёл ва эмизликли оналар овқати, шифобахш-профилактик овқатлар бир-биридан фарқ қилади ва махсус тартибга эга. Аҳамият берсангиз, шаҳардаги баъзи бир ошхоналар диетик таомлар тайёрлашга ихтисослашган. Бундан ташқари, барча ошхона ва қаҳвахоналарнинг овқат "меню"ларида диетик таомлар бор.

Нотўғри овқатланиш ва сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида турли касалликларга чалиниш мумкин. Овқатдан бўладиган захарланиш баъзи микроорганизмлар тушган овқатни истеъмол қилишдан келиб чиқадиган ўткир касалликлар ҳисобланади. Овқатдан бўладиган токсик инфекциялар ва интоксикацияларнинг олдини олиш учун овқат тайёрлаш ва сақлашда санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш, ошхона ва идиш-товоқларни доим тоза тутиш, ходимлар шахсий гигиенаси қоидалари-

объектларининг 1269 таси жорий ва капитал таъмирдан чиқарилиди, 75 та объектда қайта таъмирлаш ишлари ўтказилмоқда. Шу жумладан, 41 та объект ўз хоҳишига кўра, имкониятидан келиб чиққан ҳолда фаолият турини ўзгартирди. 67 та шаҳар кўренини бузаётган енгил турдаги ошхоналар, сомсахоналар, тандирхоналар буздириб ташланди.

— Шу ўринда бир савол пайдо бўлди. Баъзан овқатланиш муассасаларида озиқ-овқатларнинг сифатсизлиги, таомдан ҳашорат ёки соч толасининг чиқиб қолиши, ўғри ёки долли маҳсулотларнинг тозаланимагани, сабзовотларнинг пўстлоғи яхши арчимлагани каби ҳолатларда истеъмолчи кимга мурожаат қилиши мумкин?

— Агар шу каби ноҳуш вазиятларга дуч келсангиз аввало, овқатланиш муассасасининг мутасадди раҳбарларига мурожаат қилиш керак. Шунингдек, бу каби ҳолатларни бартараф қилиш учун ҳокимиятлар қошида савдо департа-

кил этилди. Новвойхоналарни тартибга келтириш тадбирлари бошланган вақтда Тошкент шаҳрида 1281 та новвойхона рўйхатга олинган эди. Ҳозирги кунда шаҳар бўйича фаолият юритаётган новвойхоналарнинг сони 1110 тани ташкил этмоқда.

Ўтказилган комплекс чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига барча новвойхоналарда таъмирлаш ишлари ўтказилди. Мавжуд новвойхоналарнинг 65 таси жойлашган ўрни, қурилиш иншооти талабга жавоб бермаганлиги сабабли буздириб ташланди. 162 та новвойхонада газ таъминотини тўхтатиб қўйиш йўли билан таъмирлаш ишлари ўтказилишига эришилди. Бу чора-тадбирлардан мақсад инсон саломатлигини муҳофаза қилишдир.

— Бугунги кунда кўпчилик озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш чоғида сотувчига "Ўшми ҳаломи" деган саволи беради. Ва-ҳоланки, ўшми ҳало бўлган озиқ-овқат маҳсулотларнинг тайёрла-

ОШХОНА ОЗОДА, ТАОМ ПОКИЗА БЎЛСА...



ган мева ёки полиз маҳсулотларининг кўринишига қараб сифатини аниқлаш мумкин. Дўкандаги озиқ-овқат маҳсулотларини эса чиқарилган вақти ва истеъмол қилишга яроқлилик муддатига қараб харид қиламиз. Ошхона, қаҳвахона, ресторан ёки хусусий овқатланиш жойларидаги таомларнинг сифати ва санитария-гигиена ҳолатини қандай билиш мумкин? Муборак Рамазон ойида айрим қаҳвахона ёки ошхоналарнинг пештахтасида "Ифторликка марҳамат" дейилган ёзувга кўзга тушади. Бир ҳисобдан бу рўздорлар учун яратилган қулайлик. Лекин овқатларни тайёрлаш жараёнидаги санитария ҳолати қандай?

Бу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология хизматига мурожаат қилиб, соҳа мутахассисининг фикрини олдик. Шаҳар санитария бўлиминининг овқатланиш гигиенаси бошлиғи **Маҳмуд Шодиев** биз билан сўхбатда жумладан шундай деди:

— Аввало, одам тартиб билан тўғри овқатланса, касалликларга камроқ чалиниб, уларни осон енгади. Тўғри овқатланиш барвақт қариб қолишининг олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мевда-ичак, юрак-кон томир касалликлари ва бошқа касалликларда алоҳида тузиладиган рацион ҳамда овқатланиш тартиби даво шартла-

зациялаштирилган корхона ходимлари, тиббиёт ходимлари, тижорат ходимлари, проводниклар, кондукторлар, радио-электроника сановати ходимлари, телеграфчилар, тикувчилар ва автоматлаштирилган жараёнларда банд бўлганлар қиради. Учинчи гуруҳга станокчилар, тўқувчилар, автобус, трамвай, троллейбусларнинг ҳайдовчилари, хат ташувчилар, умумий овқатланиш корхоналари ходимлари, агрономлар ва бошқалар қиради. Тўртинчи гуруҳга кон ишчилари, шахтёрлар, юк автомобиллари ҳайдовчилари, металлурлар, темирчилар, қишлоқ ҳўжалиги ходимлари ва механизаторлар қиради.

Истеъмол қилинаётган таомларимизнинг қай ҳолатда ҳазм бўлишини ҳам унутмаслик лозим. Овқатнинг ҳазм бўлиши маҳсулотлар тури ва овқатнинг нечоғли хилма-хил бўлишига боғлиқ. Нон, ёрмалар, сабзовот ва мевалар оқсилларига қараганда гўшт, балиқ, тухум ва сут маҳсулотларининг оқсиллари яхши ўзлаштирилади. Тўғри овқатланишнинг яна бир муҳим омил овқатнинг хилма-хил бўлишидир. Шу жумладан, овқатланиш тартибига ҳам алоҳида аҳамият бериш керак. Кунига тўрт маҳал овқатланиш мақсада мувофиқ. Чунки бунда ҳама йўли бир маромда ишлайди ва ҳазм шираларининг кучи расо бўлиб, овқат батамом қайта иш-

га rioя қилишлари, терининг йилрингли касалликлари (чипқон, ва б.) билан оғриган кишиларга овқат пиширтирмаслик керак. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини асрашга ҳам эътибор бериш керак. Овқат маҳсулотлари тўғри асралса, озиқлик ва биологик қиммати йўқолмайди, бузилмайди, шунингдек овқатдан захарланишнинг олди олинади. Шунинг эсада тутиш керакки, озиқ-овқат маҳсулотларини тўғри асраш шартларига rioя қилмаган ҳар бир киши ўзини хавф остида қолдириши мумкин, чунки овқатдан захарланиш жуда оғир кечиб, ёмон оқибатларга сабаб бўлади.

— Энди умумий овқатланиш тармоқларида аҳоли ҳусусида тўхталасак.

— Тошкент шаҳрида жами 2419 та умумий овқатланиш тармоғи объектлари рўйхатга олинган бўлиб, 1371 тасининг санитария-гигиена ҳолати замон талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Уларнинг фаолияти ўрганиб чиқилиб, раҳбарларига тегишли талабномалар берилиди. Талабномалар аниқ, амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланган ва ижро муддатлари кўрсатилган тарзда, ошхона раҳбари билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилиди.

Ҳозирги кунга келиб, 1371 та умумий овқатланиш тармоғи

менти ва шаҳар санэпидемиология хизматига ёзма мурожаат қилишнинг лозим. Жумладан, жорий йилнинг 8 ойи давомида Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология хизмати томонидан санитария қоидаларини бузган 3027 нафар мансабдор шахсларга ва фуқароларга Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс"нинг 53, 54-моддаларига асосан маъмурий ишлар кўзга тутилди, ижроси таъминланди. Жаримага тортилганларнинг 1161 нафари умумий овқатланиш объектларининг ишчиларилиди. Истеъмол учун яроқсиз деб топилган 270 тоннадан ортиқ турли хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари савдодан олиб қўйилди. 1011 нафар ишчи ва хизматчилар вақтинча ишдан четлаштирилиб, қайта тиббий кўрикдан ўтказилди.

Новвойхоналарнинг санитар-техник ҳолатини тартибга келтириш устидан назорат ва амалий ёрдамнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, Тошкент шаҳар ҳокими томонидан ҳар бир туман ва шаҳар таркибидаги санитария-эпидемиология хизмати, Давлат Солиқ, Ички ишлар бошқармаси, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти, маҳалла хайрия жамғармаси, газ таъминоти идораларининг раҳбар ходимлари-дан иборат ишчи гуруҳлари таш-

ниши ва сақлаш ҳолати санитария гигиена сайтар ҳолатларига жавоб берадими? Бу ҳақда нима дея оласиз?

— Жорий йилнинг 4 сентябрь кунги махсус комиссия тузилиб, шаҳардаги мавжуд 26 та қушхона ва 3 та сўйиш майдончаларида текшириш олиб бордик. Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология хизмати томонидан, Республика Президентининг ПК-828-сонли "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёралик қилиш ва ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига асосан шаҳар ҳудудда фаолият юритаётган умумий овқатланиш тармоқлари, қушхона ва новвойхоналарнинг санитар-техник ҳолатини ҳозирги кун талаблари даражасига етказиш борасида Тошкент шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтилган бўлса, инсон саломатлиги ўз қўлида ва ҳар бир киши ўз саломатлиги учун ўзи масъулдир. Овқатланиш тармоқларидаги камчиликларни бартараф қилиш, озиқ-овқатларнинг сифатини таъминлаш ва касалликларнинг олдини олишда ҳамма бирдек ўз ҳиссасини қўйиши лозим. Зеро, тозалик саломатлик гаровидир.

Гули ҲОЖИБОЕВА,
"Huquq" мухбири

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда эътиқод эркинлиги эътироф этилди. Конституциямизда фуқароларнинг диний эътиқод ҳуқуқлари қафолатланди. Масжитлар таъмирланди, янгилари қурилди. Давлат муассасаси ҳисобланган ФХДларда расмий никоҳни қайд этиш жараёнида шаръий никоҳ ҳам ўқитиш одатий ҳолга айланди.

Амалдаги Оила кодексида балоғат ёшига тўлган йигит-қизлар ФХДларда никоҳларини қайд эттириб, турмуш қуришлари белгиланган. Оила қураётган келин-куёвларнинг ота-оналари ушбу қонун-қоидадан билишади, албатта. Ушбу қонун талаби нафақат жисмонан, ақдан воғга етган, эс-ҳушини таниган, фуқаролик ҳуқуқномасини олган йигит-қизлар ўз эр-қизлари, хоҳиш-иродалари билан турмуш қуришлари заруратидан келиб чиққан ҳолда жорий этилган. Лекин айрим имомлар балоғат ёшига тўлган, никоҳ, оилавий ҳаёт тўғрисида тасаввурга эга бўлма-

ган ўсмир-қизларнинг барвақт турмушга узатилишига сабабчи бўлиб қолишгаётгани афсусланарли ҳол.

Муқаддас султанган, амнистияга кўра жазони ўташдан озод этилган 23 ашар Дилмурод Зокировни ота-онаси уйлантириш таралдуғида тушишди. Ўн тўрт яшар ёшга кирган Бахтихон Кўзиеванинг уйига совчиликка боришди. Угиллари Дилмуроднинг Бахтихонга кўнгил қўйганини, фақат шу кизга уйланим, деб ёғини тираб олганини баён этишди. Бахтихоннинг ота-онаси қизимиз хали ёш, мактабда ўқишини битирсин, улғайсин, кейин турмуш қуради, дейиш ўрнига рози бўлишди. Қула-андалар тўйни бошлаб юборишди. Маҳалла масжитининг имоми ҳам қиз балоғат ёшига тўлганини билла туриб никоҳ ўқиди.

Биронта тўй-маросимлар маҳалла фу-

қаролар йиғинларининг раислари, оқсоқоллари иштирокисиз ўтмайди. МФИнинг оқсоқоллари гайриқонуний никоҳга бефарқ қарашиб. "Қизларнинг ҳали ўн олти ёшга ҳам тўлмабди-ку", дея эътироз билдиришнинг ўзларига эп қўришмади. Шу тариқа катта ёшдагиларнинг бефарқликлари натижаси-

да қонуний никоҳсиз, фақатгина шаръий никоҳ асосида балоғат ёшига тўлмаган қиз турмушга узатилди. Ушбу ҳолат бўйича Жиноят кодексининг 128-моддаси, 1-қисмига мувофиқ жиноят иши кўзга тутилди, суд ҳукмига ҳавола этилди. Судда айбланувчи қуёв Д.Зокиров воғга етмаганлиги билан ҳолда Бахтихонга уйланиганини, уни яхши қўриб турмуш қураганини баён этди. Бахтихон ҳам ота-оналари ўргатиб қўйганларидай, хали балоғат ёшига етмаган бўлса-да турмуш ўртоғини яхши кўрганга туғайли тўйга

розилик билдирганини айтиб, судланувчига енгиллик беришни сўради.

Яна бир суд мажлисида йигирма бир ёшга кирган Акрамжон Абдуразоқов ҳам айбига иқдор бўлар экан, энди ўн беш ёшдан ўтган, балоғат ёшига тўлмаган Шаҳзодадон Мўминова билан ўрталаридаги "муҳаббат ришталари"ни боғлаш учун шаръий никоҳ ўқитиб, турмуш қураганларини рўқач қилди, енгиллик берилишини сўради. Бу келин-куёвларнинг ота-оналари ҳам бир-бирига кўнгил-қўйганликларни сабаб воғга етмаган қизнинг барвақт турмуш қуришига қаршилик қўрмаганликларини баён этиб, судланувчини, ўзларини оқлашга уринишди.

Ҳокимлик, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ФХД бўлими масъул ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, диний идораларнинг мутасаддилари воғга етмаганларнинг турмушга узатилиши каби салбий ҳолатларнинг олдини олишлари лозим.

Шуҳратжон ТўХТАМАТОВ,
Марғилон шаҳар прокуратурининг ўринбосари

ШАРЪИЙ НИКОҲ

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ
ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА
ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

(Давом. Бошлангани 1-бетда)

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги 154 - I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 50-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини тартибга солиди ҳамда назорат қилади, шунингдек улар томонидан ички назорат қоидаларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартиби бузилганда";

2) 51-модда қуйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдирилсин:

"Марказий банк махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар учун мажбурий бўлган ички назорат қоидаларини тасдиқлайди";

3) 53-модда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин: "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари банклар, кредит уюшмалари микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар томонидан бузилганлиги аниқланган тақдирда, Марказий банк уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар ҳамда санкциялар қўллашга ҳақли";

6-тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1 - 2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 96-модданинг учинчи қисмидаги "банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 229-модданинг тўртинчи қисмидаги "шунингдек, тақдим этувчига деб ёзилган қимматли қоғозлар" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) 769-модданинг:

тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Банк омонати шартномасида эгасининг номи ёзилган омонат дафтарчасини бериш назарда тутилди";

еттинчи қисми чиқариб ташлансин;

4) 770-модданинг:

биринчи қисми "Омонат (депозит) сертификати" деган сўзлардан кейин "эгасининг номи ёзилган" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

5) 778-моддадаги "банк ҳисоббарағи шартномасида деган сўзлар "қонунда ёки банк ҳисоббарағи шартномасида" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 785-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари "қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги 216-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №5-6, 54-модда; 1997 йил, №2,56-модда, №9, 241-модда; 1999 йил,

№5, 124-модда, №9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 14-модда:

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"ички назорат қоидалари ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартиби бузилганда";

тўққизинчи хатбошини ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) 38-модда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин: "Банклар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилиши";

бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча олтинчи ва еттинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган "Нотариат тўғрисида"ги 343-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда) қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилсин:

1) 6-модданинг учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юридаётган ишлар муносабати билан берилади. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади. Фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда солиқ органига тақдим этилади. Вассиянома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади";

2) 18-модда:

Ўзбекча матнининг еттинчи хатбошидаги "шарт" деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалари (маълумотлар) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилиши шарт";

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган "Адвокатура тўғрисида"ги 349-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда) 7-моддаси қуйидаги мазмундаги еттинчи қисм билан тўлдирилсин:

"Жисмоний ва юридик шахслар номидан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ битимлар тайёргаранда ҳамда амалга оширилганда адвокатлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилиши";

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги 358-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 68-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 415-модда; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 635-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 10-модданинг иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, суғуртаовчилар ва суғурта воситачиларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар ва санкцияларни қўлайди";

ўн биринчи - ўн олтинчи хатбошлари тегишинча ўн иккинчи - ўн еттинчи хатбошлар деб ҳисоблансин;

2) 26-модда қуйидаги мазмундаги еттинчи қисм билан тўлдирилсин:

"Суғуртаовчилар ва суғурта воситачилари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилиши";

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган "Банк сирини тўғрисида"ги 530-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) 8-моддаси:

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин: "Банк сирини ташкил этувчи, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади";

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча учинчи ва тўртинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган "Электрон тўловлар тўғрисида"ги УРК-13-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 412-модда) 17-моддасининг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Тўлов тизимининг аъзоси - банк тўлов тизимидан фойдаланувчининг топириғига биноан электрон тўловни тегишли тўлов ҳужжати тушган кунда, агар у банкнинг операция кунини мобайнида тушган бўлса, амалга ошириши шарт, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Агар тўлов ҳужжати операция кунини туғатганидан кейин тушса, тўлов тизимининг аъзоси - банк электрон тўловни кейинги иш кунидан кечиктирмай амалга ошириши шарт, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно";

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги УРК-163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 354-модда) қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилсин:

1) 3-модданинг:

ўн еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн саккизинчи - қирқ иккинчи хатбошлари тегишинча ўн еттинчи - қирқ биринчи хатбошлар деб ҳисоблансин;

2) 5-модда биринчи қисмининг:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи - ўн биринчи хатбошлари тегишинча олтинчи - ўнинчи хатбошлар деб ҳисоблансин;

3) 15-модданинг иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Қимматли қоғозларга доир битимлар ёзма шаклда амалга оширилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак";

4) 32-модданинг:

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

5) 46-модда қуйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдирилсин:

"Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ махфий ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилиши";

14-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кириди.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 22 сентябрь
№ УРК-223

Бугунги кунда жиноий даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ масалалар тобора оммалашиб, ҳаётимизга кириб бормоқда. Бу масалани ҳал қилмасдан туриб ҳеч бир давлатда иқтисодий ислохотлардан қўланган мақсадга эришиб бўлмайди. Чунки жиноий даромадларни легаллаштириш натижасида етказилган зарар қўланганини оғиб бориши ҳамият ва аҳолининг турмуш тарзига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши.

Жиноий даромадларни легаллаштириш коррупция, капиталнинг ноқонуний ўзлаштирилиши, банклар томонидан фойда-

олдидаги муҳим вазифалардан дидир.

Шунинг учун ҳам, ҳар бир давлатнинг жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши қонунчилиги ўзига хос бўлиб, бу миллий қонунчилик кўпчилик давлатлар учун умумий ҳисобланмиш тамойиллар ва талабларни ўзида акс эттиради.

Бундан ташқари, бу йўналишда, яъни жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосий гуруҳи (ЕОГ) ташкил этилган бўлиб, унинг нуфузи ҳам кундан-кунга ортиб бормоқ-

молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимлари фаолиятининг халқаро меъёрларга қанчалар мослигини аниқлайди, ҳудудларнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш соҳасидаги типологияни таҳлил этади, шунингдек гуруҳга аъзо давлатларга техник ёрдам кўрсатиш ҳамда кадрларни ўқитиш дастурини амалга оширади.

Ҳозирда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашнинг халқаро миқ-

барча субъектларини, шерикларини ва ҳисобдор секторларини ЕОГни тараққий эттириш борасидаги келажадаги тадбирлар тўғрисида узлуксиз равишда ҳар томонлама ҳаққоний ахборот билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан маърузалар қилишди. Анжуманда, ФАТФ, халқаро ташкилотлар ва донор ташкилотларини Евроосий гуруҳи фаолияти тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаб бориш; ФАТФнинг тавсияларини кенг ёйиш, тарқатиш учун, Евроосий ҳудудида жиноий даромадларни легаллаштириш ва

низмларини яратиш борасидаги берилган тавсиялар соҳа ходимларининг бу борадаги тушунчаларини янада бойитди.

Семинар сўнгида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосий гуруҳига аъзо давлатларнинг матбуот хизмати вакиллари ўзаро тажриба алмашдилар ҳамда Евроосий гуруҳи матбуот маркази билан ҳамкорлик қилиш тизимини яратиш тўғрисида фикрлашдилар. ЕОГга аъзо давлатларни жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши

ТЕРРОРИЗМНИ

МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ

ни яшириш ва солиқдан қочиш мақсадида офшор ҳудудларни ишлатиш каби жиноятлар билан боғлиқдир. Шу билан бирга чет эл инвестициялари оқимини сустлаштириб, носоғлом инвестицион муҳитнинг шаклланишига ҳам олиб келади. Жиноий даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятларнинг ўзига хос жиҳати уларнинг ёрдамчилик характерига эга эканлигидадир. Яъни бу каби жиноятлар бошқа соҳадаги жиноятларнинг кенгайишига ва чуқурроқ илдиришга ёрдам беради.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ўз ичига терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёвандлик моддалари билан савдо қилиш, инсон органлари билан савдосотик қилиш, фирибгарлик, мамлакатнинг иқтисодий манфаатларига зид келувчи ҳарақатлар, солиқларга нисбатан уюшган жиддий фирибгарлик, коррупция, нотипик инвестициялар, гаровга олиш ва сохта банкротлик қабилида қамраб олади. Шунинг билан ҳамда олган ҳолда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, нафақат унинг олдини олувчи амаллар тизимини ишлаб чиқиш, балки легаллаштириш замирида ётган жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш барча давлатлар

да. Чунки дунёда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида жаҳондаги молия бозорлари хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро миқёсда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида махсус ваколатли тизимла Молиявий чораларни ишлаб чиқиш бўйича мақсадли гуруҳ (ФАТФ)нинг фаолияти ушбу муаммоларни бартараф этишга йўналиштирилган.

Оқорида тилга олинган Евроосий гуруҳи ФАТФ (Иқтисодий чораларни ишлаб чиқиш бўйича мақсадли гуруҳ) типидagi ташкилот бўлиб, у 2004 йилда Россия Федерацияси ташаббуси билан тузилган, ҳозирда унга Хитой, Беларусь, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ҳамда 2005 йилдан буён Ўзбекистон аъзолири.

Ўтган давр мобайнида ЕОГ томонидан Евроосий ҳудудидаги давлатларда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ишлаб чиқишига ҳамда ваколатли органларнинг ташкил этилишига кўмаклашмоқда. Тузилма ўз фаолияти доирасида гуруҳга аъзо давлатларнинг жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни

ёсда олиб борилишини таъминлаш мақсадида ушбу гуруҳнинг фаолияти ҳам тақомиллаштирилмоқда. Жумладан, ЕОГни халқаро ташкилот сифатида қайта тузилиши учун кенг қўламадаги ишлар олиб бориламоқда. ЕОГ таркибидида видео-конференцалоқани ўрнатиш бўйича махсус ишчи гуруҳлари фаолият олиб бормоқда. ЕОГнинг махсус интернет сайти ва ахборот портали шакллантирилмоқда.

Яқинда Москва шаҳрида Молиявий мониторингининг Халқаро ўқув-услубий маркази томонидан Евроосий гуруҳининг матбуот хизматлари ходимлари иштирокида "Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосий гуруҳи фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш: ҳамкорлик механизми ва тажриба алмашиш" мавзусида илмий амалий семинар ўтказилди. Ушбу анжуманда Беларусь, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари, шунингдек етакчи халқаро экспертлар иштирок этдилар.

Семинарда дастурга мувофиқ равишда Евроосий гуруҳи ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимининг қўлланманинг иккинчи бўлимида баён этилган. Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий асослари, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги қонунлари шулар жумласидандир.

терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги миллий талаблар ҳамда халқаро андозаларга самарали риоя қилиниши учун ахборотларнинг олинишини таъминлаш; Евроосий гуруҳига аъзо давлатлар билан келишилган ҳолда ушбу давлатларнинг молиявий разведка бўлиналари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни яратиш ва тарқатиш;

Кенг жамоатчилиқни эса ушбу мамлакатлардаги жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги миллий режимидаги ўзига хосликлари ҳамда асосий ютуқлари тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш;

Аҳоли ўртасида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасида кенг қўламли ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

Ахборот майдонида матбуот хизмати ходимларининг иш ҳажмини янада кенгайтириш;

Евроосий гуруҳининг портали оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ҳамкорлик қилиш йўналишлари;

Матбуот хизмати ходимларининг журналистлар билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий масалалари ва ушбу йўналишдаги концепцияни тараққий эттириш ҳамда ўзаро ҳамкорлик ме-

курашишнинг халқаро тизимига интеграция қилиш учун шарт-шароитлар яратишга йўналиштирилган бир қатор чора-тадбирлар ўтказиш белгилаб олинди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикада жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотларнинг амалиётини ўрганиш, улар билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, жаҳон тажрибасидан тўла фойдаланиш ва механизмларини татбиқ этиш ўз самарасини кўрсатмоқда.

Ноқонуний йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришнинг аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш, аҳолини ўғирлик, коррупция жиноятларидан қайтариш йўналишида Республикада махсус дастурлар яратилган.

Энг долзарб масалалардан бири эса аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдир. Шундай тизимни яратиш бўйича махсус комплекс чора-тадбирлар ўтказилмоқда, ишлар ташкиллаштирилмоқда.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА,
Зоҳиджон ҚОТАМОВ,
Бош прокуратор ҳузуридаги
СВОЖДЛКК Департаментининг
масъул ходимлари

Аввало шунинг таъкидлаш лозимки, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижросини тўлиқ таъминлаш, шу йўналишда самарали тизимни шакллантириш борасида вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари зиммасига муҳим вазифалар юклатилган. Шу боисдан ҳам амалиётдан келиб чиққан ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асосларига оид амалий қўлланмага эҳтиёж сезилаётган эди.

ва бошқа маҳаллий раҳбарларга қўйилган талаблар, ислохотларни амалга ошириш ва уларнинг натижасига масъул бўлган ҳокимлар фаолиятининг мезонлари, ҳокимларнинг асосий вазифалари, "Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари" концепциясини амалга оширишда айрим ваколатларнинг босқичма-босқич равишда марказдан жойларга ўтиши бўйича стратегик вазифалар, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, жой-

қўлланманинг иккинчи бўлимида баён этилган. Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий асослари, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги қонунлари шулар жумласидандир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари акс эттирилган учинчи бўлимида амалдаги қонунларда белгиланган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил ифодасини топан.

Шунингдек, мазкур бўлимида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг юридик жавобгарлиги масалаларига оид қонун ҳужжатларидан кўчирмалар ҳам келтирилган. Бу ҳам ўз навбатида мавзуга оид амалдаги қонун нормалари моҳиятини тушуниб олишга ёрдам беради.

Амалий қўлланмада маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятига оид асосий тушунча ва атамаларнинг изоҳли лугати берилган

бўлиб, унда ҳокимликлар фаолиятида мунтазам қўлланиб келаётган тушунчалар, масалан, ариза, аҳоли пунктлари, мажбурий тўловлар, ваколат, вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари, депутат, мансабдор шахс, масъул мансабдор шахс, маҳаллий давлат ҳокимияти вакилик органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, ҳокимликлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, мол-мулк, маҳаллий солиқлар

қўлланманинг биринчи бўлими Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов асарларида маҳаллий давлат ҳокимияти ва ҳокимлар фаолияти ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазаларга бағишланган. Унда жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш жараёнида вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари фаолиятини ташкил қилишга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ҳокимлар

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари томонидан "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари" номида амалий қўлланма тайёрланди.

Қўлланманинг биринчи бўлими Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов асарларида маҳаллий давлат ҳокимияти ва ҳокимлар фаолияти ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазаларга бағишланган. Унда жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш жараёнида вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари фаолиятини ташкил қилишга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ҳокимлар

ларда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожлантириш, инвестиция қилиш, иш ўринлари яратиш, айниқса, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳудудларда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар, жойлардаги қорхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жалдлаштириш, замонавий, мостлашувчан технологияларни кенг жорий этиш бўйича маҳаллий органлар раҳбарларининг вазифалари батафсил ёритилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига оид асосий ҳуқуқий ҳужжатлар

ларда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожлантириш, инвестиция қилиш, иш ўринлари яратиш, айниқса, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳудудларда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар, жойлардаги қорхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жалдлаштириш, замонавий, мостлашувчан технологияларни кенг жорий этиш бўйича маҳаллий органлар раҳбарларининг вазифалари батафсил ёритилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига оид асосий ҳуқуқий ҳужжатлар

М. МАМАСИДДИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари
Мониторинги институти гуруҳ раҳбари

МУҲИМ АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Ушанда Янги йил кечаси эди. Кўпчилик қатори Рўзи опа хонадонидоғилар ҳам байрамни нишонлаб, уйкуга ётганларида вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Бир пайт ҳовлида пайдо бўлган шуъла хонадон аҳлини оёққа турғизди. Бу шуъла бора-бора осмонга ўрмалаган улкан алағгага айланди. Ҳовлида турган "КаМАЗ" юк автомашинаси ёнаётган эди...

Аваллига "болалар мушакбозлик қилаётгандир" деб ўйлаган қўни-қўшнилари ҳам атрофни ёритиб юборган алангани кўриб хабар олгани йилда бошладди. Аммо кўпчилик бўлиб ёнгини ўчириб бўлишганда бутун бошли "КаМАЗ" ҳеч нарсага яроқсиз темир-терсақ уюмига айланган эди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошланди. Бу воқеа Қашқадарё вилоятининг Деҳқонobod туманида юз берган.

Ёнган юк машинаси туманда 2000 йилдан буён фаолият юритиб келаётган "Ситора-1" хусусий фирмасига тегишли бўлиб, Рўзи Очилова ушбу фирмага раҳбарлик қилган.

Дастлабки суриштирувлар автомашинага номалум шахслар томонидан қасддан ўт қўйилган деган тахминни келтириб чиқаргани боис, иш бўйича ёнгини-техника экспертизаси тайинланади ва уни ўтқазиб пойтахтдаги нуфузли суд экспертиза марказига юклатилади. Шу сабабдан, Деҳқонobod туман ИИБ ёнгини хавфсизлиги бўлими инспектори Алишер Ҳақимов экспертиза ўтқазиб тўғриқилиб қарор ва экспертиза учун зарурий материаллар, ашёвий далилларни ишончнома орқали олиб Тошкент шахрига келади. У билан бирга Р.Очилова ҳам экспертиза марказига келади.

Суд экспертиза марказида улар ёнгини-техника эксперти Баҳром Рўзиева учрашадилар. Чунки, юқоридаги ҳолат бўйича экспертиза ўтқазиб етти йилдирки шу даргоҳда хизмат қилиб келаётган тажрибали мутахассис Б.Рўзиева топширилган эди.

Таъмагирлик шундай бир иллатки, у ҳар қандай одамни жиноят кўчасига етаклаб, йиллар давомида эришган обрў-этибори, эгаллаб турган вазифасидан махрум қилиши мумкин. Афсуски, биз "тажрибали" деб таъриф берганимиз Б.Рўзиев ҳам таъмагирлик йўлини тутди.

Ҳар бир инсоннинг ўз суйган касби, ҳунари бўлади. У касби орқали жамиятнинг обрўли ва этиборли кишига айланиши мумкин. Аммо...



Қабулига келган А.Ҳақимов ва Р.Очиловалар билан иш юзасидан суҳбатлашар экан, Б.Рўзиев маъқур ҳолатдан мўмай пул топиш мумкин деган тўхтамга келади. Шу боис гапни узоқдан бошлайди:

— Талбиркор аёл экансиз, яхши тушуниб тургандирсиз бунақа ишлар осонликча ҳал бўлмайди. Агар экспертиза хулосаси автомашинага қасддан ўт қўйилган деган хулоса берса, айбдор шахслар аниқланиб, етказилган зарар сизга тўлиқ ундирилиб берилади. Бундан ташқари, автомашина учун суурта пулини ҳам бемалол олаверасиз. Демак, ҳамма гап менинг қандай хулоса ёзиб беришимга боғлиқ, Тўғрими? — сўради Б.Рўзиев салмоқлаб.

ТАЪМАГИР ЭКСПЕРТ

— Тўғри, аслидаям шундай бўлиши керак. Рақобатчиларим қасддан ўт қўйган "КаМАЗ"имизга, — дейди Р.Очилова.

— Сиз ҳалиям тушунмабсиз, — дейди эксперт бошани чайқаб. — Автомашинани қасддан ўт қўйилганини исботлаш қийин масала. Бу фақат менинг кўлимдан келади. Яъни, ҳаммаси менинг қандай хулоса беришимга боғлиқ...

Унинг бу гапидан сўнг ўртада ноқулай жимлик пайдо бўлди. Бу жимликни Р.Очилованинг "хизматлар бўлса қараб турмасман" деган гапи бўлди.

— Яхши, — дейди Б.Рўзиев, — Сиз ҳозирча хонадан чиқиб туринг. Мен инспектор билан гаплашиб олишим керак.

Р.Очилова унинг хизмат хонасидан чиқиб, йўлакда инспектор А.Ҳақимовни кутиб турди.

Хонада А.Ҳақимов билан юзма-юз қолган Б.Рўзиев андиша-ю инсофни йиғштириб, мудоаога кўчди:

— Ўзингиз опага ётиги билан тушунтиринг. 500 минг сўм олиб келса ишнинг фойдасига ҳал қилиб бераман.

Нафиса Болиева (исм-шарифлари ўзгартирилган) ҳам шифокорлик касби орқасидан эл ичиди обрў топган, ҳурмат қозонган аёл. Албатта, Н.Болиева бу ҳурмат ва эъзозга ўз-ўзидан эришмади. У қанчадан-қанча машаққатли ва оғир йўлни босиб ўтди, десак янглишмаган

бай" сифатлида ёндошадиган бўлиб қолди. Қўнларнинг бирида таниши унга:

— Нафиса ўзингиз тушунасиз. Ногиронлик пенсиясига чиқишимга ёрдам қилсангиз.

Хаёл суриб ўтирган, Нафиса Болиева "ёрдам" деган сўздан бирдан сергак тортиди. Сўнг

бир муддат ўйга толиб деди: — Сизни тушундим опа. Бунга амалласа бўлади. Биласиз, танишларим кўп. Лекин ўзинча битадиган ишмас. Қийинчиликлари кўп. Қолаверса, менга боғлиқ бўлмаган томонлари ҳам бор.

Аёл соддалиги сабабми, ё бунақа гапни олдин эшитмагани учунми раҳбарнинг гапига тушунмади. Унинг ишдамай тургани Нафиса Болиевага ёқмади. Яна тушунтиришга киришди.

— Мақсулда опа, бирон бир шахсни ногирон деб топиш учун кўпчиликнинг имзоси керак бўлади. Агар амалласангиз уларга озгина хара-

Орадан икки-уч кун ўтиб Б.Рўзиев телефонда Р.Очилованига тезда Тошкентга етиб келиши зарурлигини айтиди.

Эртаси кунийёқ пойтахтга етиб келган Р.Очилова экспертига учрашди. Учрашди-ю ҳафсаласи пир бўлди: эксперт Б.Рўзиев энди ундан яна бир ярим миллион сўм пора талаб қилади.

— Бу яна қандай гап? Ахир айтган пулнингизни бердим-ку! — дейди Р.Очилова норози бўлиб.

— Сизнинг фойдангизни кўзлаб айтаямман. Тайинланган экспертизани ўтқазинишда мендан бошқалар ҳам иштирок этган. Уларни ҳам рози қилишим, сизнинг фойдангизга хулоса ёзишга қўндиришим керак. Қўнмасангиз, хулоса зарарингизга ёзилиши ҳам мумкин. Унда қанча зарар қўришингизниям бир хомчўт қилиб кўринг, — дейди Б.Рўзиев пинак бузмай.

— Майли, мен ҳаракат қиламан, — дейди ноилж қолган Р.Очилова.

Шундан сўнг унинг телефони тинмади. Б.Рўзиев тез-тез телефон қилиб, айтилган пулни тезроқ етказишни талаб қилаверди. Б.Рўзиевнинг сурбетларча, очикдан-очик

таъмагирлик қилаётгани Р.Очилованинг сабр-қосасини тўлдириб юборди. Шунда у энг тўғри йўлни тутди: таъмагир экспертнинг ноқонуний талаблари ҳақида ҳуқуқ-тартибот органига ариза билан мурожаат қилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ҳолилар иштирокида тақдир этилган диктофон масаласи ойдиллик киритди: унда Б.Рўзиевнинг пора талаб қилган сўзлари ўзаро суҳбат чоғида ёзиб олинган эди. Ушбу аудио ёзувлар эксперт Б.Рўзиевнинг жиноий йўл тутатганидан далолат беради.

Ишлаб чиқилган тезкор тадбир давомида Б.Рўзиев жиноят устида — Р.Очиловани 300 АҚШ доллари ва 500 минг сўм пора олган пайтида ушладди.

Суд Б.Рўзиев ва унинг жиноий шериги А.Ҳақимовларни ЖКнинг тегишли моддаларида белгиланган жиноятлари содир этганида айбдор деб топиб, қўлмишларига яраша жазо белгиллади.

Иззатилла БОЗОРОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
АМИБ терговчиси

ТЎҒРИ ЙЎЛДАН АДАШИБ...

бўламиз. Чунки бу давр мобайнида у кўплаб фуқароларнинг дардига дармон бўлди. Касбига бўлган садоқати тўғрйли у Фарғона шаҳар тиббиёт бirlашмаси томонидан Фарғона шаҳар "Бўтакўл" қишлоқ врачлик пункти мудираси лавозимига тайинланди. У айна вақтда ҳудуддаги "Тиббий назорат комиссияси" раиси сифатида ҳам фаолият юритганди. Аммо нима бўлдию у тубдан ўзгарди. Олдинлари барчанинг кўнглини кўтариб, дардини эшитадиган аёл энди ҳар бир нарсани нимадир таъма қилдиган, қўйингки, лавозимига "даромад ман-

бир муддат ўйга толиб деди: — Сизни тушундим опа. Бунга амалласа бўлади. Биласиз, танишларим кўп. Лекин ўзинча битадиган ишмас. Қийинчиликлари кўп. Қолаверса, менга боғлиқ бўлмаган томонлари ҳам бор.

Аёл соддалиги сабабми, ё бунақа гапни олдин эшитмагани учунми раҳбарнинг гапига тушунмади. Унинг ишдамай тургани Нафиса Болиевага ёқмади. Яна тушунтиришга киришди.

— Мақсулда опа, бирон бир шахсни ногирон деб топиш учун кўпчиликнинг имзоси керак бўлади. Агар амалласангиз уларга озгина хара-

жатино берсангиз дегандим. Ўзи айтмасангиз керак эди. Лекин иложим йўқ-да, опа. Айтдим-ку менга боғлиқ эмас деб.

Аёл ҳаммасини англагач, гап бошладди. — Майли, сиз ўзингиз айтинг. Мен бундай нарсаларга тушунмайман.

Раҳбар бу гаплардан сўнг бир оз ўйлиниб гап бошладди: — Сиз ҳужжатдан хавотир олманг. Ўзим тезда тўғрилаб бераман. Сизга қачон қанча олиб келишингизни айтаяман.

Аёл иши битаётгани учунми у ердан хурсанд кайфиятга уйига боради. Бу орала Нафиса Болиевага 230 минг олиб келиб беради. У шунга ҳам қаноат қилмай келуси сафар яна 200 АҚШ доллари олиб келишини айтиди. Аёлга бу жуда ҳам оғирлик қиларди. У ушбу ҳолатлар бўйича тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Нафиса Болиева ўз хонасида 200 минг сўм пул олаётган вақтда қўлга туширилди. Бу ҳолатлар бўйича суд ўзининг олидона ҳукмини ўқиди.

Дилшодбек АХМЕДОВ,
Фарғона шаҳар прокуратураси катта терговчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамкорлигида тезкор тадбирлар амалга оширилди. Текширишларда қишлоқ аҳолисининг соғлиғини муҳофаза қилишни яхшилаш, ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқларга кўрсатиладиган тиббий хизмат маданиятини, шунингдек бу йўналишда тиббиёт ходимларининг масъулиятини оширишларида алоҳида эътибор қаратилди. Давлат дастури ижроси борасидаги ижобий ишларни эътироф этиш билан бирга, камчилик, нуқсон-

лар, айрим қонунбузилиш ҳолатлари ҳам аниқланди.

Чақалоқ йиғиси ҳар бир хонадонга шодлик, қувонч келтирди. Шаҳарангиз давомчиси, наслу на-

сабингиз, аждодаларингиз вориси дунёга келади, ахир. Боласи учун жонини фидо қилишга тайёр ўзбек. Болажонлик қон-қонимизга сингиб кетган.

Манзуруни (исмлар ўзгартирилган) тўлқоқ тутиб туғруқхонага олиб борадиган турмуш ўртоғи Носир Розиков оқ халат кийган ҳар бир тиббиёт ходимига нажоткорига тикилгандек жовдарибди. Бундай ҳолат ҳар биримизга таниш.

"Суюнчи беринг...", деган овозни эшитишимиз билан шукрона айтаямиз. Фарзанд - бир инсон дунёга келди. Она-бола соғлом. Қўнглимиздан чиқариб суюнчи

берамиз. Бунга яхшилик, эзгулик йўлидаги хайр деб билиб оғринмаймиз. Бироқ, суюнчи бахонасида айрим тиббиёт ходимлари таъмагирга айланишгаётгани ёлғон эмас.

Туғруқхона дояси М.Умедова хизмат мавқеидан фойдаланиб, қонунга хиёф тарзда бўлим қабулхонасида Н.Розиқовдан 85 минг сўм пулни тиббий хизмат кўрсатиладиган рўқча қилиб тов-

ламачилик йўли билан олаётган вақтда қўлга олинди.

Шунингдек, Қорақўл туманларо фуқаролик судининг котиби С.Холов ҳам ёш бўлишига қарамай,

Хар иккала ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Қонуннинг талаби қатъий. Ҳар қандай қонунга хиёф хатти-ҳара-

кат унинг назаридан четда қолмайди. Бироқ, касби, инсонийлик бурчида хиёнат қилган М.Умедова, С.Холов каби таъмагирларга дас-та бўлаётган иллатлар илдирига билиб-белмай ўзимиз сўз қийма-япмизми?

Мулоҳаза қилиб кўринг-а, баъзан соғ-саломат чақалонини қўлга олган келинимиз учун "суюнчи", ишимизни тезроқ битириб берсин учун котиб-котибларга пул қистиришга одалтланмаяпмизми?

Шу ўринда биз хайр-эхсон деб атаётганимизнинг асли ному по-радир, балки...

Обид ҚИЛИЧЕВ,
Департаментнинг Жондор туман бўлими бошлиғи
Мохира ШАКАРОВА,
журналист

Наманганлик Нурилла (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) анчадан буюн Тошкентга бориб пул ишлаб келадиган тенгқурларига ҳавас билан қараб юрар эди. Имкон топиш билан пул тохтаб қараб йўл олди. Нимасини ўйлайди, қўлида хунари бор, Тошкентда новвойлик қилиб пул топаётган танишлари ҳам кўп. Пойтахтда новвойчилик қилади, жарақ-жарақ пул топиб, сўнг уйланади.

Аммо у ўйлаганидек ҳаммаси осон кечмади: шаҳар қанчалар катта ва новвойларга эҳтиёж кўп бўлмагани муносиб иш топиш осон кеч-

войнинг иссиққина нонини маза қилиб ёйишни биламиз, лекин ана шу ноннинг меҳнати осон эмаслиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Саҳармардондан туриб хамир қориш, тандирни тобиға келтириш, қизиб турган тандирга ёпишдан тортиб устма-устига пишиб чиқаётган нонларни харидорларга етказиш...


Ана шундай машаққатли меҳнат, ноқулай иш шароити Нуриллага малол келди. Кетиб қолай деса, юқорида айтганимиздай, Нурилла таниш-билишларидан қарздор бўлиб қолгани сабаб "ҳўжайин"дан 300 минг сўм қарз олиб қўйган эди.

У зўрга турт кунга чидади, сўнг ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан Наманганга кетиб қолди. У ёқда ўн-

сўради. Жавоҳир ҳам унга ишонди чоғи, яна 300 минг сўм қарз берди. Пулни олиб Наманганга кетган Нурилла унаштириш маросими бекор бўлгани сабаб тез орада яна қайтиб келди. Аммо энди унинг Жавоҳир учун ишлаш нияти йўқ эди. Тузукроқ жойдан иш топиб, Жавоҳирдан қарзини узиш учун роса иш қилдири. Омади чопмади.

Ана шундай кунларнинг бирида кўчада Жавоҳирга дуч келиб қолди. Жавоҳир уни аввалига яхши гап билан, кўнмагач уришиб-сўкиб ўзининг новвойхонасига олиб келди.

Ҳаммаси шундан кейин бошланди: Жавоҳир бойвачча қарзини тўламай қочиб кетган бебош нов-



ЗАНЖИРБАНД НОВВОЙ ҚИССАСИ

мади. Қолаверса, яшаш учун жой, иш топишгунча пул керак бўлади. Шу боис, тез кунда қарзга бота бошлади. Охири сўраб-суриштириб ўзининг ҳамшахри, эски таниши Жавоҳирни топи. Жавоҳир деганимиз пойтахтга анча олдинроқ келган, аввалига ёлланма новвойлик қилган, кейинроқ акаси билан биргаликда ижарага новвойхона олиб иш юрита бошлаган йигит эди.

Жавоҳир дастлаб Нуриллани ишга олишга рўйхушлик билдирмади. Аммо Нурилла унинг акаси Қозимдан ҳам илтимос қилавергач, рози бўлди. Шу билан Нурилла новвойликини бошлади.

Кўпчилик қатори биз ҳам нов-

ўн беш кун юриб яна Тошкентга қайтди. Ўйлай-ўйлай эски иш жойи - Жавоҳирнинг новвойхонасига бош уриб келди.

Унинг сўроқсиз ишни ташлаб кетганига роса жаҳди чиқиб ўтиргани боис Жавоҳир уни аввалига роса урушиб-сўқди. Сўнг "қаёққа кетсанг кетавер, лекин олдин қарзингни уз" деб шарт қўйди.

Шундан кейин Нурилла тинмай ишлаб, йигирма кун деганда қарзидан қутулди. "Ҳўжайин" билан муносабатлари ҳам яхши томонга ўзгарди. Шу орада Нуриллага онаси телефон қилиб "тез етиб кел, сени уйлантирмоқчимиз" деб қолди.

Начора, у яна Жавоҳирдан қарз

войни олдинга роса дўппослади. Сўнг қаердандир темир занжир топиб келиб у билан Нурилланинг оёғини боғлаб, ишончироқ бўлиш учун бир эмас иккита кулф осиб қўйди. Шу тариқа занжирбанд новвой новвойхонада анча вақтгача ишлаб юрди.

Кунларнинг бирида Нурилла иложини топиб онасига телефон қилди ва уни занжир билан боғлаб қўйиб ишлатишга танини айтди. Она-онада, эртаси кунийёқ Нурилланинг онаси тоғасини эрташтириб уни топиб келди. У занжирдан озод бўлди ва яна Наманганга кетди.

Инсоннинг табиати қизиқ. У ҳамшира ҳам ўзи учун тўғри хуло-

са чиқаравермади. Баъзан у ўз ихтиёри билан эрксизликка ҳам рози бўлади. Занжирбанд ўтказган кунлари дарров оёқлардан чиқиб кетган Нурилла яна Жавоҳирнинг олдида бош уриб келади. Жавоҳир ҳам индамай унга иш беради. Ҳаммаси жойига тушгандай бўлиб турган бир пайтда Нурилла яна хунар кўрсатади: у ишни ташлаб, кўчада пивохўрлик қилиб ўтирганида устидан чиқиб қолишади.

Жавоҳир яна эски усулини қўллаб унинг оёқларига занжир боғлайди. Бу билан у ғайриқонуний равишда Нуриллани озодликдан маҳрум қилади. Уни ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бир шароитда сақлаб, ишлата бошлайди.

Пайт пойлаб, тутқундан қочган Нурилла Наманганга - онасининг олдида қочиб боради. Онаси эса ўғлининг бошидан кечирганлари ҳақида хуқуқ-тартибот органига мурожаат қилади. Жавоҳир Холмуродовга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Инсон шаъни ва эркинлиги дахлсиздир. Ҳеч ким ҳеч кимни қонунга хилоф равишда тутқунликда сақлашга ҳаққи йўқ.

Суд Жавоҳир Холмуродовни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 138-моддаси 2-қисми "а,б" бандларида қўрсатилган жиноятни содир этганликлари айбдор деб топиб, тегишли жазо тайинлади.

Абдумалик АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Челак шаҳридаги Аҳмад Ясавий номли маҳаллада яшовчи Акмал (исм-шарифи ўзгартирилган) бир кун ҳовлисидagi пайвандлаш ускунасини ўзбошимчалик билан электр тармоғига улади ва пайвандлаш ишини бажара бошлади.

Пайвандлаш ускунаси уланганидан кейин, албатта, электр токининг бир маромда келиши бузилади. Уйда чироқ ўйнайверганидан асаби бузилган қўшниси Нурбек жаҳд билан кириб келди.

— Қўшни! Инсофингиз борми? Ҳар сафар айни кечга яқин "сварка"ни бошлайсиз!

— Бор, бор-ей! Сени ким чақирди ўзи?!

— Ишласангиз бировга зиёни тегмайдиган иш қилинг-да!

— Бировга зиёни тегмасин, деб, оч ўтирайми? Бола-чақани ким боқадим?



ОҚИБАТСИЗ ҚЎШНИ

— Буниси энди сизнинг муаммонгиз, — деди Нурбек пайти келганидан уни ўзининг гапи билан "чақиб олди". — Қолаверса, бу ишингиз қонунга ҳам зид!

— Ў зақунчи! Менга қонунни пеш қилмагин, кўпми?!

Хуллас, икки қўшни жанжаллашиб қолишди. Нурбек охири милицияга қўнғироқ қилмоқчи бўлиб, қўл телефонини олди. Ғазабдан ўзини буткул йўқотган Акмал унинг шапшти қатъий эканлигини кўриб, шошиб ошхонага кирди-да, у ерда пичоқ кўтариб чиқди-ю, рақам тарафдан Нурбекнинг орқа тарафидан келиб, кўкрагига пичоғ урди. Нурбек жонҳолатда Акмалнинг тажовуздан қочишга уринаркан, бу орада унинг юзига ва лабига ҳам пичоқ тегди...

Қий-чув, тўлоонини эшитган бошқа қўшни-қўшнилар югуриб чиқибди ва уларни ажратиб қўйишди. Акмални зудлик билан шифохонага етказишди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан унинг ҳаёти асраб қолинди.

Қўшнилар аҳил-иноқ яшashi билан маҳалланинг фазиси бўлакча бўлади. Қўшнилар келишмаса, бир-бирини ҳурмат-иззат қилмаса, сал нарасага бир-бирига пичоқ кўтариб чопса... Бу носоглом муҳитдан фақат ўша маҳалла аҳли жабр кўради, бу ерда ҳузур-ҳаловат, хотиржамлик, меҳр-оқибат бўлмайди. Бу воқеа бўшқаларга ҳам сабоқ бўлиши лозим.

Одил суд ушбу ҳолатни атрофлича ўрганиб чиқиб, айбланувчи Акмал Искандаровга нисбатан 15 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Энди бу икки инсон, бу икки оила, фарзандлар ўртасида пайдо бўлган жарликни, совуқчиликни кеткизиб бўлармикин? Бу ҳам ўша маҳалла аҳлининг вазифаси.

Ғ.АБДУРАҲМОНОВ,
Пайарик туман прокуратураси катта терговчиси.

ЯШИРИН РАҚАМ ФОЖЕАСИ

Қодир 11 ойлик хизмат сафаридан кейин таътилга чиқди. У жуда хурсанд эди. Негаки, ота-онасини, ака-сингилларини, туғилиб ўсган қишлоғини жуда-жуда соғинганди. Не бир ўй-хаёллар оғушида қишлоғи томон елдек учди. Қишлоғида уни кўнгилсиз ҳодисалар кутиб турганини ҳали у билмасди...

Қишлоғига етиб боргач ҳар доимгидек ота-онаси, ака-сингиллари дийдорига тўймасиданок синфлов дўстлари уни маҳалла гузари томон етаклашди. Дўстлар Қодирнинг келганлиги муносабати билан зиёфат уюштиришди.

Улар чойхонада алламаҳалгача "қиттай-қиттай" қилишиб, қоронғу тушганда маст-аласт ҳолда уйларига тарқалишди.

Қодир ширакайф ҳолда уйига энди етган ҳам элики, ИИБ ходимлари уни ушлаб олиб кетишди. ИИБ бўлимида кайфи тарқаб ўзига келган Қодир бугунги кунни сарҳисоб қила бошлади, лекин шунча уринишига қарамасдан кайфи ошгандан кейинги воқеаларни эслаб олмди.

Азамат Қодир билан 9 йил мактабда бирга ўқиган. Қодир ёшлитиданок вазмин, илмли, энг муҳими омадди инсон эди. 9-синфни тугатиб ҳарбий лицейга ўқишга кирди. Ҳарбий билим юртини тугатиб, ўз севган касбиди иштини давом эттирди. Худди атайлаб қилингандек, Азамат севиб, севиғисини айтолмай юрган қиз билан фотиҳали бўлишди.

Ёшлитидан Қодирнинг ютуқларини кўролмаган Азамат ундан ўч олмоқчи бўлди. Қодирнинг ҳарбий соҳада ишлаши, телефон рақами яширин экан-

лиги унга қўл келди. Дўстининг кайфи анча ошганлигидан фойдаланиб, Қодирнинг қўл телефони билан танишларидан бирига қўнғироқ қилди. Гўшаки кўтарган аёл кишига дўқ-пўписа қилиб, уни ҳақорат қилди.

Табиийки, аёлининг бундан жаҳди чиқди, тегишли органга хабар қилди. Натижада яширин рақам фож этилиб, Қодир ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди, тегишли чоралар қўлланилди. Бу унга жуда қаймағатга тушди: у ўз севган касбидан четлатилди.

Ҳар сафар таътилга келганида ҳурмат билан кутиб олиб, кузатилган маҳалла-қўй, таниш-билишлари ундан юз ўтири. Энг ёмони, бўлғуси қайно-қайнонаси бунақанги ахлоқсиз йигитга берадиган қизимиз йўқ деб тўғри бекор қилишди.

Бир кунда ҳамма нарсасидан жудо бўлган Қодир ичкиликка ружу қўйди.

Орадан кўп вақт ўтмай сархушлик оқибатида автофалокатга учраб, ҳаётдан эрта қўз юмди.

Синфловдан ўч олган Азамат, қилган ишидан пушаймон бўлиб, бир умр виждон азобида қолди, йўқми бу ёлғиз Худого аён. Аммо унинг қўзлаган асосий мақсадига етолмагани, яъни аввал Қодирга фотиҳа қилиниб, сўнг фотиҳаси бузилган қизга уйлана олмагани рости. Айтишларича, ўша қиз Азамат юборган совчиларга шундай жавоб қилган: "Жондай жураасидан юз кечган йигит йигитми? У билан бир ёстиққа бош қўйгандаёқ кўра бир умр эрсиз ўтиб кетганим афзал"...

Ўрол НОРБОВЕВ.

НАФС ГИРДОБИ

Меҳр ҳам, мурувват ҳам бозорда сотилмайди, пулга топилмайди. Лекин сувсиз, ҳавосиз яшаб бўлмаганидек, меҳр-мурувватсиз ҳам ҳаёт кечириб бўлмайди. Маънавий қадриятлар ичда меҳр ва мурувват энг қудратлиси, энг мўъжизакоридир. Президентимиз, ҳукуматимиз му-

стақиллигининг дастлабки даврлариданок меҳр-мурувват ва саховат тамойилини давлат сиёсати даражасига кўтаргани ҳам бежиз эмас, албатта. Аммо ушбу соҳага мутасадди бўлган айрим ҳодимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларга давлат томонидан берилаётган нафақа пулларига чанг солаётганликлари гоят афсусланарлиқдир.

"Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 1991 йил 18 ноябр кунги Қонун ижроси юзасидан Олтинсой туман прокурату-

раси ўтказган текширишда аниқланишича, тумандаги "Янги қури-лиш" алоқа бўлими хабарчиси Ўрал Ботиров 2008 йил декабр ойи учун Карим Мўминовнинг 217,5 минг сўм, шу йил февраль ойи учун Замира Сафарованинг 55,5 минг сўм, Гулсора Абдуваитованинг 77,3

минг сўм, Жўра Аллаёровнинг 147,1 минг сўм, Даврон Хайдаровнинг 12 минг сўм, май ойи учун Акбар Эшқобиловнинг 62,6 минг сўм, Жарқин Худойназаровнинг 96 минг сўм, Жарқин Тоғасеванинг 179,4 минг сўм ногиронлик нафақаси ва пенсия пулларини тўлов ва рақаларига асосан бермасдан, уларнинг ўрнига ўзи имзо қўйиб олган ва ўзлаштирган.

Бундан ташқари, Ў.Ботиров туман почта алоқа тармоғидан "Қумпайхал" маҳалласида яшовчи фуқа-

роларнинг пенсия ва нафақа пулларини тарқатиш учун олиб, тўлиқ тарқатилганлиги тўғрисида ҳисобот тақдим қилган бўлса-да, май ойи учун Чори Бобоназаровнинг 66,6 минг сўм, Парда Юнусованинг 159,2 минг сўм, Шомурод Хусановнинг 74,8 минг сўм, Анор Лапасованинг 95 минг сўм, Юнус Аминовнинг 55,8 минг сўм, Жумахон Турдиевнинг 69,8 минг сўм

ногиронлик нафақаси ва пенсия пулларини ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборган.

Қўшлаб фуқароларнинг ногиронлик, бokuвчисининг йўқотганлик, нафақа ҳамда пенсия пулларини ҳужжатлари сохталаштирган ҳолда ўзлаштирилгани учун Ўрал Ботировга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳара-катлари олиб борилямоқда.

Э.ҲАКИМОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Муҳаббат – не-не афсоналар, не-не шох асарлар, машхур кинокартиналару дилларга хуш ёқувчи саноқсиз қўшиқларга мавзу бўлган илоҳий туйғу. Биз оладга муҳаббат дардига муб-тало бўлган ошиқларнинг қахрамонликлари ҳақида кўп эшит-ганмиз. Бироқ... ошиқнинг ўз маҳбубасини ваҳшийларча ўлдирганини эса эшитган қулоқ ҳайратдан динг бўлади...

Бу воқеа ҳаммани эсанкиратиб қўйди. Ҳа, бу икки ошиқ-маъшукнинг фожеали тақдири эди. Тўланбой (исм-шарифлар ўзгартирил-ган) тахсил олиш мақсадида Тош-кентга келди. У анча иқтидорли талаба бўлгани учун курсдошлари орасида тез кўзга ташланади. Тез орада курснинг олди қизларидан бўлган Мухлиса билан ўрталарида муҳаббат риштаси пайдо бўлади. Улар бир-бирига бефарқ эмасди-лар. Аммо кимдир биринчи қадам-ни ташлаши керак-ку... Мухлиса Тўланбойдан жўрватлироқ чиқиб

ди. Бу жиноят кўчасига қўйилган иккинчи қадам эди. Бу орада Тўланбой Жанубий Кореяда ўқиш учун грант ютиб олади. Айнан шу грант уларни бир йилга айирди. Бироқ Тўланбой Кореядан қайтганидан кейин улар-нинг ишқий муносабатлари яна давом этаверди. Мухлиса Тўланбой-нинг квартирасида кўп марта меҳ-мон ҳам бўлди. Аммо уларнинг муносабатлари аввалгидек эмас эди. Тўланбой Жанубий Кореяда ўқиб юрган кезларида Мухлиса ўзига бошқа "дўст" топиб олган эди. Бу

ИШҚМИДИ БУ...

қолди. Бир кун дарслар тугаган маҳал Мухлиса Тўланбойга бирга айланишни таклиф қилди. Тўлан-бой жон-жон деб рози бўлди. Ўша кун улар бир умр бирга бўлишга аҳду паймон қилишди. Анчадан буён бир-бирларини зимдан куза-тиб, изҳори дил қилишга орзуменд қалблар висолдан сармаст бўлиб қолди. Гўё эртанги кун келмайдигандай бугуннинг ўзида ҳаммаси-га эришмоқчи бўлишди. Воқеалар купча-кундузи иккисининг қову-шиши билан тугади. Бу энди му-ҳаббат эмасди. Бу жиноят кўчасига қўйилган илк қадам эди. Кўп ўтмай Мухлисанинг ҳомиласи сезила бошлади. Мухлиса дарҳол бу ҳақда Тўланбойга маълум қилди. Тўлан-бой пул топиб, Мухлисага бола-ни олдириб ташлашни маслаҳат берди. Мухлиса ҳам илоҳи бори-ча тезроқ боладан қутулишни истага-ни боис Тўланбойнинг пулларига дарҳол дори олиб ичди. Шу йўл билан дунёга келмасидан бир гўдакнинг ҳаётига зомин бўлиш-

ўз навбатида Тўланбойнинг ҳам фойдасига, ҳам зарарига ишларди. Фойдали томони, шу баҳона Мух-лисидан қутуларди. Зарари эса шун-дай қушчани ўзи қафасдан чиқа-риб юборишни истамасди. Хуллас, Тўланбой икки ўт орасида қолди. Кунлар бир-бирини қувиб ўтаве-ради. Ниҳоят ўша орани очик қилиш вақти етиб келди. 2008 йил-нинг 21 декабрида курсдошлар Ди-лоромнинг бувисиникига таъзия-га бориш мақсадида Чилонзор мет-росида тўпланишди. Сўнг таъзия-га боришиб, тахминан 12 ярим-ларда ортга қайтишди. Чилонзор метросига келганда Зебо бозорда иши борлигини айтиб, улардан ажралади. Қолганлар (Тўланбой, Илҳом, Дилдора) Мухлисанинг таклифи билан яёв юришга қарор қилишади. Улар гўё бир кемага



тушган одамлар-у, кема бошқару-вида Мухлиса эди. Дилдора ва Ил-ҳом ярим йўлда «тушиб» қолиша-ди. У ёнига эса Тўланбой ва Мух-лиса қолишди. Бир қанча йўлни ик-калови бирга босиб ўтган бўлиш-ларига қарамай сўхбатлари унчалик қовушмади. Тўланбой гап-сўзлари-дан Мухлиса билан орани очик қилиш нияти борлигини сездириб қўйди. Мухлиса унинг мақсадини тушуниб турса-да, муаммо чиқа-

ришни истамай автобустга чиқиб кетади. Тўланбой эса квартирасига йўл олди.

Шу кунни кечкурун соат ўн яримларда эшик қўнғироғи жи-ринглаб қолди. Тўланбой эшикни очганида ташқаридан Мухлиса турар-ди. Мухлиса оstonада туриб қақи-ришга тушди. Тўланбой уни бир амаллаб ичкарига киргизди. Унинг тинчланиши учун сув олиб келиб бермоқчилигини айтиб, ошхонага

киради. Ошхонада у олдиндан ре-жалаштириб юрган жиноятини амалга ошириш пайига тушади. Сувга тинчлантирувчи "димедрол" таблеткаларидан қўшиб, Мухлиса-га олиб келиб беради. Мухлиса сув-ни ичиб, ҳовуридан тушади. Сал ўтмай бутунлай ҳолсизланиб қола-ди. Унинг ҳолатини диққат билан кузатаётган Тўланбой жиноий ре-жани амалга ошириш учун қулай имконият пайдо бўлганини фаҳм-лайди. Ошхонадан пичоқ олиб чи-қиб, деярли "пишиб" қолган Мух-лисанинг қорин қисмига бир неча марта санчади. Мухлиса ўша жой-нинг ўзида жон таслим қилди...

Мухлисани қидириш узоқ давом этди. Мухлисани қидиришда фоол-лик кўрсатган қотил янги йил ара-фасида қишлоғига жўнаб кетади. Лекин бу жазодан қочиб кетишга етарли бўлмайди. Тўланбой виждон азобиданми ёки азбаройи кўрққи-ниданми, бор гапни отасига айтиб беради. Ота қўли қон ўли жазодан қутулиб қолаолмаслигини фаҳмлаб, Тўланбойнинг қулоғидан тортиб, Тошкентга олиб келди. Ота-бола туман прокуратурасига йўл олиш-ди. Тўланбой ўз айбига иқдор бўлса-да, бундай бўлишга фақат ва фа-қат Мухлисанинг ўзи айбдор экан-лигини исботламоқчи бўлди. У тер-гов жарасини чалкаштирувчи анча "эртак" лар тўқиди. Бундан ташқари айбини енгиллаштириш учун Тўланбойга руҳий асаб касаллигига чалинганилиги тўғрисида маълумот-нома тайёрлашди. Бироқ гувоҳлар кўрсатмалари ҳамда суд эксперти-заларининг далолатномалари Тўланбойнинг ҳеч қандай руҳий касал бўлмаганилигини тасдиқлади.

Суд ўқоридаги ҳолатларни кўриб чиқиб, жиноятчига узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Жиноят қилган шахс ҳаминша жазосини олган. Аммо жиноят оқибатидан тўғри хулоса чиқариш эса ўзимизга боғлиқ.

Б.БАБАДЖАНОВ,
Бощ прокуратура бощамара
бощлиғи ўринбосари

У суд мажлисида айбига қисман иқдор бўлди. Россия Федерациясининг Тюмен шаҳридаги Давлат университетида ўқишга киришни ихтиёр қилган йигитчани лақбллатиб, "хизмат ҳақи" эвазига орзусини рўбга чиқаришга ёрдамлашиб юбориш-ни ваъда қилганини тан олди.

— Икки ярим йилдан буён Тошкент Ахборот технологиялари университети Фаргона фили-алида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Шу билан бирга "Фар-Билим-сервис" МЧЖнинг раҳбариман. МЧЖ Тюмен Давлат университети билан шартнома асо-сида фаолият юритади.

Ушбу билим юртига ўқишга кирмоқчи бўлган йигитни танимасдим. Университетнинг Фаргона филиалида бирга ишлайдиган Набижон ака орқа-

ижрочи вакили, "Фар-Билим-сервис" МЧЖ раҳба-ри Абдурашул Ҳолмирзаев билан боландим. Битта йигит ўқишга кирмоқчи, хизматини тизини қилади, дедим. Шу тариқа уларни таништириб қўйдим. Ора-дан икки ойча ўтиб, март ойи кунларидан бирида Турсунали кечки мактабни битиргани тўғрисида ат-тестатини келтириб берди. Бир минг олти юз дол-лар эвазига ўқишга кириштиб қўйишни илтимос қилди. Мен рози бўлдим. Абдурашул билан кели-шиб олдим. 23 март кун Турсунали билан Ёрмо-зордаги автомобил шох бекатида қўришдик...

Набижон Салиев йигитдан олган 1600 доллар-ни костюмининг ички чўнтағига солиб, бир неча қадам юрганида тезкор-тергов гуруҳи ходимлари тўхтатишди.

ЎҚИШГА КИРСА КИРДИ, БЎЛМАСА...

ли танишганман. Унга Тюмен университетида ўқишга кириш шартларини тушунтирганман. Агар университетга ўқишга кириб кетса, берган пули-ни олиб қолмоқчи, агар кира олмаса ўзига қайта-риб топишмоқчи эдим. Аслида уни хориж уни-верситетида ўқишга кириштириш ваколатига эга эмас-ман. Қондага кўра сиртдан ўқиш истағидаги ёшлар "Интернет" орқали имтиҳон топиришлари мум-кин. Агар имтиҳондан ўта олсалар, сиртдан ўқишга қабул қилинадилар. Бундан ўзгача йўл билан ўқишга жойлаштиришнинг имкони йўқ.

Унинг "устози" Набижон Салиев элдик олти ёшда, уч ярим йилдирки, Тошкент Ахборот техно-логиялари университети Фаргона филиа-лида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

— Шу йил январь ойлариди Мадинахон исмли таниш аёл Турсунали деган йигит билан таниш-тирди, — деди у суд мажлисида. — Йигит сиртдан ўқимоқчи экан. Мен унга Тюмен Давлат уни-верситетининг масофавий йўналишида сиртки бўлимида ўқишга тавсия қилдим. Ўқишни битиргач, молия, солиқ ва банк тизимида ишлаши мумкинлигини тушунтирдим. Ўқишга киришнинг хизмат ҳақи бор-лигини ҳам айтиб ўтдим. У шартларга қўнди. Шун-дан сўнг Тюмен университети Фаргонадаги

— Мен бу пуллари Абдурашулга бериш учун олдим, — деди у. Ўз ихтиёри билан тадбирда иш-тирок этажанини баён этди.

А.Ҳолмирзаевга телефон қилди.

— Турсуналини сизда гапи бор экан, — деди. — Мен ҳозир узоқдаман, у телефон қилса, гапла-шинг, хизматни бор экан.

А.Ҳолмирзаев Турсуналини Марғилон шаҳрининг Қурилиш касб-хунар коллежининг ёнида қарши олди. Ўқишга зарур ҳужжатларни айтибди, ундан пулни олиб санади. Йигит кетган заҳоти "беғараз воситачи" қўлга олиниди.

...Турсунали иккала домларларнинг "шартлари"-ни эшитиб, ҳайратдан ёқа ушлади. Бунча пулни қардан топади? Ўйлай-ўйлай ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига учради.

Ҳеч қандай ваколатлари бўлмагани ҳолда, агар ўз кучи билан ўқишга кирса, биз кириштиб қўйдик, дея алдаб, тамағирлик билан олган пулларини жи-ғидонларига урмоқчи, мабодо иш чалпасига ай-ланиб, ўз кучи билан ўқишга кира олмаса, "хиз-мат ҳақини" қайтариб бермоқчи бўлган "беғараз воситачи"ларга суд тегишли жазо тайинлади.

Бунёд МАМАЖОНОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

МЕҲРСИЗЛИКДАН ТУФИЛГАН ЁВУЗЛИК

Бизга ота-боболаримиздан меҳр-шафқат, бағрикенглик ва кечирим-лик каби хислатлар мерос бўлиб келган. Гоҳо меҳр ўрнига қаҳр, ажиш-лик ўрнига ёвузлик, авф ўрнига қасос ўти билан яшаётган кимсаларнинг борлиги бундай қадриятларимизга ўчмас доғ бўлиб қолмоқда ва қутил-маган фожиаларга сабаб бўлиб, беғунох одамлар умрига зомин бўлмоқда.

Йигирма бир ёшда ўз бобоси, буvisи ва нарасида қизининг қотилига айланган Перуз Тожиев инсоний қадр-қимматини унутган, ёвузлик гир-добига тушган кимсадир. У Конимех туманида туғилган. Ҳеч қарерда иш-ламайди. Уч ёшида онадан етим қолиб, ўғай она билан келиша олмай, уйдан чиқиб кетиб, гоҳ холаси, гоҳ тоғаларининг уйида яшаб келган. Кейинги уч йилдан бери Навбаҳор туманидаги "Меҳнат" маҳалласида истиқомат қилувчи бобоси Облоқул Тожевнинг уйида яшаб келган. Бо-босининг уй ишларига қарашиб, мол-ҳолдан хабар олиб юрган неваран-нинг хонадондагилар билан муносабатлари дастлаб яхши бўлган. Кейин-чалик ўғай буvisининг уни сиздирмай, бобосига бот-бот ёмонлаши, бир коса овқатни ҳам миннат қилиб бериши, вояга етмаган қизлари Ширин ва Зулфиянинг масҳара қилишлари, қишининг қаҳратон кунларида муз-дай хонадаги жондан ўтувчи совуқлар йитида қаҳр уйғотди.

2008 йил январь ойидаги туғилганин бирида омонбормоҳа кирган Пе-руз, у ердан болта олиб, тандирхонага яшириб қўяди. Ярим тулда туриб болтани олгач, даҳлиздаги электр ҳисоблагичдан ҳовлидаги қироқларни ўчиради. Таниб қолмасликлари учун юзини рўмол билан ўраб ҳам олади. Сўнг бобоси ётган уйнинг эшигини очди. Унинг доғ қотиб ётганлигига ишонч ҳосил қилгач, болта билан бобосининг бошига икки марта уради. Кейин болтани буvisи Тожихол Шаймановнинг боши узга қўтарди. Икки бор зарб билан тушган болта туфайли у ҳам шу ернинг ўзида ҳаёт-дан қўз юмади. Қўзи қонга тўлган Перуз ухлаб ётган опа-сизлилар ёнига келади. Зулфия икки марта урилган болта зарбидан ҳалок бўлади. Уйку аралаш опаси бошига болта урган акасини Ширин таниб қолади. Даҳшат-га тушган қизнинг нафаси ичига тушади. Ўзининг ҳам бошига болта зар-би тушганида қиз чинқириб юборди. Аммо уни эшитадиган меҳрибон одамлар аллақачон бу дунёни тарк этишган эди.

Перуз қилғиликни қилиб қўйиб, болтани молхонага яширади-да, уйдан қочиб кетади. Тиббиёт ходимларининг тезкор ёрдами туфайлигина Шириннинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Перуз Тожиев содир этган жиноятига яраша жазосини олди. Аммо ёвузликнинг қурбони бўлганлар энди қайтиб келмайдилар. "Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда" бўлмаганида, етимнинг бошини сийлайдиган ҳеч бўлма-са битта меҳрибон қўл топилганида, балки мудҳиш жиноят содир бўлмас-миди...

Раҳимжон МАҲАМОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК очик ТАЛЛОВ савдоларига таклиф этади

Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини киритиш олиш тартибидagi таллов савдосига қўйиладиган объектлар қўйиладиган:

1. Тошкент вилояти, Тошкент туманида жойлашган "MUHANDIS LTD" масъулияти чекланган жамиятининг устав жамғармасидagi 43,7 фоизлик давлат улуши.

Объект шакар ва крахмал ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги вақтда ўз ихтисослиги бўйича фаолият кўрсатмапти. Корхона асосий фонди 58 номдан иборат (бино-иншоотлар ва асбоб-ускуналар). Корхонанинг умумий майдони 1,4 га, ишлаб чиқариш ости майдони 1481,5 м².

Таллов савдоси шартли: сотиб олиш бўйича энг юқори қийматини таклиф этиш; тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун етарли миқдорда ва қисқа муддат ичида инвестициялар киритиш.

Бошланғич баҳоси 229 369 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 1-уйда жойлашган Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига қарашли умумий сатҳи 394,08 кв.м.га тенг бўлган "Нотурар жой биноси".

Объект 1-қаватли бинодан иборат. Фундаменти бетонли, девори гиштдан, томи шиферли.

Таллов савдоси шартли: энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф этиш; объектда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун қисқа муддат ичида 50 млн. сўмдан кам бўлмаган инвестиция мажбуриятини қабул қилиш.

Бошланғич баҳоси 22 150 000 сўм. (ер участкаси ҳисобга киритилмаган)

3. Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ, Қўзилсой маҳалласида жойлашган, Юқоричирчиқ тумани ҳокимлигига қарашли "Нотурар жой ва иншоот"нинг умумий майдони 790,91 кв.м.га тенг бўлган қисми.

Объект олдин мажлис залли сифатида фойдаланиб келинган. Фундаменти бетон, девори гиштдан, томи шиферли.

Таллов савдоси шартли: энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф этиш; қисқа муддат ичида сотиб олиш тўловларини амалга ошириш; тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун етарли миқдорда ва қисқа муддат ичида инвестициялар киритиш (Давлат ордери тадбиркор-

лик фаолияти йўлга қўйилгандан сўнг берилди).

Бошланғич баҳоси 59 565 300 сўм. (ер участкаси ҳисобга киритилмаган)

4. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Красногорск кўрғони, Ойбек кўчаси, 23 уйда жойлашган, НКМКнинг "2-КОН бошқармаси"га қарашли "Мазмунрий бино ва унинг мол-мулклари".

Объект 1977 йилда қурилган бўлиб 2-қаватдан иборат. Умумий майдони 780 м². Фундаменти т/бетон, девори гиштдан, томи шиферли.

Таллов савдоси шартли: энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф этиш; қисқа муддат ичида сотиб олиш тўловларини амалга ошириш; тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун етарли миқдорда ва қисқа муддат ичида инвестициялар киритиш (Давлат ордери тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилгандан сўнг берилди).

Бошланғич баҳоси 98 735 355 сўм (ер участкаси ҳисобга киритилмаган)

Таллов савдоси қўлиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи-солди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоизидан камини ташкил этса, етишмаётган суммани олди-солди шартномаси тузилганга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Таллов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-уйда (ДМК биноси 1-қавати чап қанотдаги савдолар зали) 2009 йил 27 октябрь соат 11.00дан бошлаб бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин (26 октябрь соат 17.00да) тўхтатилади. Ушбу кундаги таллов савдоси бўлиб ўтганга деб эътироф этилса, такрорий таллов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2009 йил 28, 29, 30 октябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Таллов савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДКнинг ХО-

АТБ "InfinBANK" МФО-01041, СТИР- 206761326, 202100000804537599001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлаши шарт.

Таллов савдоларида қатнашишни истаган талабгорлар ўз сармоявий таклифлари ва қўйиладиган ҳужжатларини 2 нусхада топширишлари шарт:

Таллов қатнашчисининг талабномаси; таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома) хорижий сармоядорлар - ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакили бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда); ваколатли вакилнинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси; таллов савдоси объектига талабгор таклиф этаётган сотиб олиш суммаси ва уларни тўлаш муддати, инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда икки нусхада конвертда маҳкамланиб, муҳрланиб тақдим этилиши лозим (объектни сотиб олиш ва сармоя киритиш баҳоси унинг бошланғич баҳосидан кам бўлмаслиги шарт); закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси ва талабгорнинг рекевизитлари; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Ҳужжатлар шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Таллов таклифларининг амал қилиш муддати таллов ҳужжатларида белгиланади.

Қўшимча маълумот ва таллов савдоси ҳужжатларини қўйиладиган манзилдан олинишигиз мумкин: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 1-қават чап қанотдаги савдолар зали. Телефон: 239-83-82 Факс: 150-34-46. Email: info@mulk.uz www.mulk.uz

"RESPUBLIKA MULK-AUKSIONI" ДК**БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

2009 йил 26 октябрь соат 12.00 да бошланғич баҳоси олиб бориши тартибидagi очик аукцион савдосига қўйиладиган автотранспорт воситалари қўйиладиган:

Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 3-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Бухоро бўлими ҳисобидagi:

1. 1992 йилда и/ч "РАФ 2203-01" микроавтобус(йўловчи), давлат рақами 20 АР 937. Бошланғич баҳоси 3 171 000 сўм.

2. 1994 йилда и/ч "BA3-21061", давлат рақами 20 АВ 764. Бошланғич баҳоси 1 300 000 сўм.

3. Пешку туман, Мустанқилик кўчаси, 2-уйда жойлашган, Пешку туман ҳокимлиги ҳисобидagi 1993 йилда и/ч "ТА3-31029", давлат рақами 10-07 БХБ. Бошланғич баҳоси 3 171 000 сўм.

4. Жондор туман, М.Таробий кўчасида жойлашган, Жондор туман ҳокимлиги молия бўлими ҳисобидagi 2000 йилда ишлаб чиқарилган "ТИКО", давлат рақами 20 АН 632, ранги светлосерийистий (серий). Бошланғич баҳоси 6 000 000 сўм.

5. Когон тумани, "Уба-Чўли" МФЙ, Ойбек аҳоли яшаш пункти ҳудудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.м. иборат 30, 31-сонли ер майдонлари. Хар бирининг бошланғич баҳоси 81200 сўм.

Ушбу кунда сотилмай қолган объектлар 2009 йил 2, 9, 16, 23, 30 ноябрь, 7, 14, 21, 28 декабрь кунлари соат 12.00да аукцион савдоларида мунтазам чиқарилиб борилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб, автотранспорт воситалари бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан, ер майдонлари бошланғич баҳосининг 100 (юз) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Бухоро вилоят филиали АТИБ "Ипотeka банк" Сардор филиали МФО 00119, СТИР 206761326, 202100000204537599009 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3(уч) соат тўхтатилади.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумотларни олиш манзили: 200118, Бухоро шаҳри, Ўзбекистон Мустанқилик кўчаси, 10 уй, 3-қават. Телефон:(8 365) 223-69-62, факс: 770-04-01. Электрон манзил: Bux_RMA_DK@Inbox.ru

"RESPUBLIKA MULK-AUKSIONI" ДК**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

2009 йил 26 октябрь соат 10.00да ушбу кунни сотилмаган тақдирда 3, 10, 17, 24 ноябрь, 1, 9, 15, 22, 29 декабрь соат 10.00дан бошлаб очик аукцион савдосига қўйиладиган автотранспорт воситалари қўйиладиган:

1. Фарғона вилояти прокуратурасига қарашли 1998 йилда и/ч "Нексия", давлат рақами 15 АФ 514. Бошланғич баҳоси 7 844 000 сўм.

Фарғона вилояти, Риштон шаҳрида жойлашган Риштон тумани тиббиёт бирлашмаси балансидаги автотранспорт воситалари:

2. 1990 йилда и/ч "BA3-2121", давлат рақами 15 АД 374, техник носоз. Бошланғич баҳоси 1 758 800 сўм.

3. 1989 йилда и/ч "BA3-2121", давлат рақами 15 АД 435, техник носоз. Бошланғич баҳоси 1 758 800 сўм.

4. 1989 йилда и/ч "YA3-315101", давлат рақами 15 АД 426, техник носоз. Бошланғич баҳоси 1 895 269 сўм.

5. 1991 йилда и/ч "YA3-3152", давлат рақами 15 АД 433, техник носоз. Бошланғич баҳоси 1 895 269 сўм.

6. 1990 йилда и/ч "Москвич-21412", давлат рақами 15 АД 350, техник носоз. Бошланғич баҳоси 1 750 000 сўм.

"Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб объект бошланғич баҳоси-

нинг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk - Aukcioni" ДК Фарғона вилоят филиалининг "Халқ банки" Фарғона вилоят амалиёт бўлимидаги МФО-00497, ИИН:206761326, 20210000004537599011 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумотларни олиш манзили: 151010, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 43 уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси, 1-қават 48-50-хона. Тел/факс (8 373) 229-70-20 Email: info@mulk.uz

Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда 2 нусхада топшириш шарт.

ТОШКЕНТ ТУРИЗМ ВА БИЗНЕС КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ 30 ЁШДА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасаруфидagi Тошкент Меҳмонхона Хўжалиги техникуми Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг 1979 йил 28 сентябрдаги 691-сонли қарори асосида ташкил этилган бўлиб, Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тузилмасини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги 23.10.2003 йилдаги 473-сонли қарори ҳамда Ўрта махсус касб-ҳунар таълим Марказининг 2004 йил 27 январдаги 16-сонли буйруғига биноан Тошкент Меҳмонхона Хўжалиги техникуми - Тошкент Меҳмонхона Хўжалиги касб-ҳунар коллежи мақомига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 16 июлдаги 202-сонли қарорига биноан коллеж эндиликда Тошкент Туризм ва бизнес касб-ҳунар коллежи деб юритилмоқда.

Ҳозирда мажмур ўқув юрти талабалари "Меҳмонхона хизматларини ташкил этиш", "Туристик хизматларни ташкил этиш", "Сартарошлик саъияти ва декоратив косметика", "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", "Туризм", "Халқаро бизнес", "Ҳужалик ҳуқуқий фаолияти" ва "Компьютер тармоқлари"нинг таъмирланган сингари мутахассисликлар бўйича таълим олишмоқда. Дарслар ва машғулотлар рус ҳамда

ўзбек тилида олиб борилади. Ўқувчиларнинг замонавий усулдаги фан, лаборатория ва амалиёт хоналари, замонавий техника воситалари ҳамда дастгоҳлар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш устанотларида машғулотлар ўтказишлари учун тўлиқ шaroитлар яратилган. Коллежда интернет тармоғига уланган ва қирқ минг нусхадан зиёд китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, икки юзга яқин ўринга мўлжалланган фаоллар зали ҳамда замонавий жиҳозланган спорт заллари мажмуд бўлиб, улар ўқувчиларнинг жисмонан бақувват бўлиб етишишлари учун хизмат қилмоқда. Ҳафтаининг жума кунларида барча ўқув гуруҳларида ўтказиладиган тарбиявий соатлар, турли маънавий-маърифий тадбирлари Президентимизнинг "Юксак маънавият - енгилмас қуч", "Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш", "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишниш йўллари ва чоралари" асарларини ўрганишга, терроризм, диний ақшараслик, псевдандликка қарши кураш мавзусида ўтказиладиган давра сўхбатларига катта эътибор берилмоқда.

Коллежда дарслар ташқари, тўғра-қаралар, маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт-соғломлаштириш фаолиятига ҳам катта аҳамият берилди.

Жумладан, касбий фанлардан: "Меҳмонхона ва ресторон сервис", "Косметолог-визажист", "Еш бухгалтер", "Еш ҳуқуқшунос", футбол, волейбол, кураш, баскетбол, қўл тўпи сингари спорт тўғрисидаги олти юз нафар ўқувчи-ёшлар шугулланиб келишмоқда. Талабалар "Баркамол авлод" спорт ўйинлари доирасида волейбол, қўл тўпи, баскетбол ҳамда футбол турлари бўйича туман ва шаҳар босқичларида муносиб ўринларни қўлга киритиб келишмоқда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган "Тошкентнинг ой қизим" кўрик танловида коллеж талабалари туманлараро фахрли биринчи ўринни эгаллаб, шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ўқув юртида "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг фаолияти самарали ташкил этилган бўлиб, ёшлар ўртасида турли танловлар, фестиваллар, мулоқотларни уюштириш, Тошкент шаҳрининг маънавий-маърифий маскаларига зиёратлар ташкиллаштириш каби ишлар ўқувчиларнинг ташаббуси ва таклифларига асосан амалга ошириб келинмоқда.

Коллеж раҳбарияти ўқувчиларининг салоҳиятини ошириш мақсидида олий таълим муассасалари Тошкент Давлат иқтисодиёт университети-



нинг Туризм факультети, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, ЎЗМУ қўшмадаги иқтисод, тарих, юридик йўналишдаги ка-федралар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Коллеж битирувчиларининг амалий дarsларини ўтиш ва уларни иш барияти томонидан пойтахтнинг "Интерконтинентал", "Дедеман", "Гранд Мир", "Шопик Палас", "Марказий" каби нуфузли меҳмонхоналари, "Машрик тревел", "ООО Навигатор Тур", "ООО Expert Тур", "Планета Тур", "Меркурий Тур", "DiplomatikVIP TRAVEL" каби тури-

стик фирмалар ва шахримиздаги кўза қўринган бир қатор корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномалари тузилган бўлиб, ўзaro ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Олиб борилаётган ишлар натижасида жорий йилда коллежнинг тамома-лаган ўқувчиларининг 98 фоизи ўз иш ўринларига эга бўлибди. Айни кунларда коллеж ўзининг ўттиз йиллик тўйини нишонлашмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, коллеж раҳбарияти ва жа-мосига давлатимизга баркамол ҳамда билимли ёш кадрларни етказиб бе-риш йўлида олиб бораётган филоло-рона меҳнатларида омад ва зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз!

ШИЖОАТ ВА МАТОНАТ ТИМСОЛИ

Уйда
Бу шундай жой:
болалари мактабдан қолса-қола-
дики, қишлоқ гузарларида ҳар ҳаф-
танинг маълум кунда бўладиган
бозордан қолмайди.
Ахли шундайки, аксарияти би-
рор маърака-йигинда жам бўлса,
гурунг вақтининг катта қисми "фа-
лончиникида бунча ичимиз, пис-
тончиникида мунчани бўшатиб-
миз..." қабилдаги гап-сўзлар ат-
рофида кечади. Аёлларнинг ай-
римлари тўй-ҳашамларда "қиттай-
қиттай"дан тап тортмайди...
Гарчи ушбу сўзлар аниқ ман-

ёқимсизлигини ўша вазиятни бе-
восита кузатган ҳушёр киши яхши
билиди.

Аммо худди шундай вазиятда
уртоғингиз, қариндошингиз ёки
танишингиз бўлса, уни манзили-
га элтиб қўймасликка ўзингизни
рози қила оласизми?

Гарчи у кеча уйига сизнинг
қўмагингизда келганини эслай ол-
маса-да, бу сиз учун ҳам, у учун
ҳам ҳақиқат.

Мастларнинг яна шундай тои-
фаси борки, улар бу ҳолатда атро-
фидагиларга меҳрибон бўлиб қоли-
шади. Агар у ўзига тўқ оила ваки-

сида бўлим прокурори, Чиноз
туман прокурори, вилоят проку-
раторининг катта ёрдамчиси вил-
оятимизда самарали меҳнат
қилиб, шарафли меҳнат йўлини
босиб ўтди. Ишлаш давомида
ижобий фаолият кўрсатиб, иш-
чанлик, адолатпарварлик, ин-
сонларга нисбатан самимийлик,
фидойилик фазилатлари билан
касбдошлари орасида ҳурмат
қозонди.

Тошкент вилоятида қонун ус-
туворлигини таъминлаш, фуқа-
роларнинг ҳуқуқ ва эркинликла-
рини муҳофаза қилиш ҳамда жи-
ноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар-
нинг олдини олишда жонбозлик
кўрсатиб, жамоатчилик эътибо-
рига сазовор бўлди.
Ўзининг бор билим ҳамда
ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш
ҳодимларни тарбиялашга сафар-
бар этиб, шоғирдлари орасида
ҳам ҳурмат қозонди.

Прокуратура ҳодимлари
унинг фидокорона меҳнатини,
касбга садоқатини ва инсоний
фазилатларини қадрлайди.
Қонунийликни ва ҳуқуқ-тар-

тиботни мустаҳкамлашга қўшган
хиссаси ва узоқ йиллик меҳнати
давлатимиз ҳамда прокуратура
раҳбарияти томонидан муносиб
баҳоланган.

Умрини Ватанинг тинч-
осойишталиги учун бағишлаган
Саодат опа бугун 80 ёшни қар-
шиляпти. Уни табарруқ ёши би-
лан кутлаб, унга сиҳат-саломат-
лик, оилавий тотувлик, хонадо-
нига тинчлик ва осойишталик
тилаб қоламиз.

**Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратураси Фахрийлари
ижтимоий қўллаб-қувватлаш
жамоатчилиги маркази**

ШАЪННИНГ ЙЎҚОЛИШИ...

зилсиз айтилган бўлса-да, афсус-
ки, бу жой мен, сиз, у - барча-
миз яшайдиган ҳудудда бўлиши
мумкин...

Бу ҳолатни сиз ҳам кузатгансиз:
Бирор маст киши асл руҳияти-
дан чекинган ҳолатида ҳушёр пай-
тида айтмайдиган (балки айтиш-
ни истамайдиган) гапларни айтиб
қолади. Яъни маст ҳолатда тўғри
ўзининг наздида тўғри бўлган гап-
ларни сўзлайди.

Ёки ҳушёрлигида ўта камгап
бўлган инсон спиртли ичимлик
«кувват» и билан сергап бўлади-
қолади.

Этибор қилган бўлсангиз, ҳар
икки ҳолатда ҳам инсон ҳушёр
бўлмаган вазиятда ўз танасидаги
«иккинчи одам»га айланади.

Масалан, айрим кишилар
чўнтагида қанча пули бўлмасин,
маст ҳолатида бор чақасини фар-
зандаларига қайсиқир ҳаракати ёки
юмуши учун қўқатиб, уларни тақ-
дирлайди. Ёки бошқа бир аҳзимас
сабаб туфайли аямай сарфлайди. Шу
боис кичик ёшдаги болалар, ҳатто
айрим аҳли аёллар ҳам оила бош-
лиғи ҳушёр бўлмаган маҳалда
унинг бундай беминнат «сахий»ли-
гидан фойдаланишга интилади.

Ваҳоланки, оила бошлиғи
ҳушёр бўлганда, агар сарфлаган
пули ҳалол меҳнат эвазига келган
бўлса, бу маблағни қисқа фурсат-
ларда бу тарзда сарфлаб қўймас эди.
Ўзига келган маҳалда эса тар-
қатган пулини қайтариб олиши
даргумон.

Демак, айрим кишилар айтга-
нидек, мастлик - ростлик эмас,
балки ҳақиқатдан узоқлашишдир.

Тўйда

Тўй-маъракаларда маст одам-
нинг йиғилганини кўрганмисиз?

Қўпича шундай бўлади: маст
одам ё беҳушов кулади, ё меъри-
дан озгина ошганини сезиб, ўзини
секингина четга олади, ёки «яна
борми?» дег суриштиришга туша-
ди, ёки аҳзимас сабаб билан жан-
жал кўтаришга иштиёқманд бўла-
ди, ёки кимдир ёҳуд нимадир эси-
га тушиб, йиғлай бошлайди.

Бу ҳолатларнинг қай даражада

ли бўлса, бировнинг муаммолари-
ни ҳал этиб беришга ваъда беради.
Ҳушёр бўлганда эса амали тес-
кари кўриниш олади.

Кўча-қўйда

Айрим маст кишилар ёнидаги
одамларни ўпишни одат қилиб
олишади.

Тасаввур қилинг, эрталаб ишга
бориш учун кўчага чиқдингиз. Қар-
шингизда маст - кийимлари бир
аҳволда, сочлари тўзғиган тани-
шингиз келяпти. Бир-бирингизга
қўзингиз тушди. Унинг маст
бўлганда «юзага келадиган» ода-
ти бор - ўпишга тушади. Албатта бу
ҳолат сиз учун ёқимсиз. Чунки
кўчаласиз, сизларга йўловчилар-
нинг кўзи тушади, бундан ҳам
хунути - маст кишининг оғзидан
таралаётган ҳил.

Орадан кўп вақт ўтмай сиз бу
ҳолатдан қутулишингиз мумкин,
лекин қўзлаган манзинингизга етиб
бориш олдидан яхши кайфиятин-
гизга путур етди, шундайми?

Ёки эрталаб жамоат транспор-
тидасиз. Ишга ҳуш кайфиятда от-
лангансиз. Бироқ ёнингизда туриб
(ёки ўтириб) олган кишининг на-
фақат оғзи, балки кийими, бутун
баданидан таралаётган сigaretаи,
спиртли ичимликнингми ҳиди
сизни бошқа жойга сурилишга
мажбур этади.

Бу вазият ҳам сизга салбий таъ-
сир қилади.

Хотима ўрнида

Бу сўзлардан ҳулосамиз шун-
дай: уйда, кўчада, тўйда, кўча-
қўйда, маст бўлиш, маст ҳолат-
да юриш - кишининг ўз шаънини
йўқотишидир.

Айтанларимиз - спиртли ичим-
лик истеъмол қилиш ёки папирос
тутиганининг маънавий зарарлари,
холос. Буларнинг соғлиқ учун қай
даражада салбий таъсири борлигини
айтмадики. Чунки айтмасак-да,
бу сизга маълум.

Сўнг сўзимиз: мавлоно Румий
айтганидек, «Е аслинг каби кўрин,
ё кўринганинг каби бўл».

**Шерали НИШОНОВ,
журналист**

**Осиё Чемпионлар Лигаси
чорак финал дастлабки учра-
шувини ўз майдонида ўтказган
"Бунёдкор" Жанубий Корея-
нинг "Похан Стилерз" жамоа-
сини 3:1 ҳисобида мағлуб этди.**

Ҳисоб меҳмонлар томонидан 8
дақиқадаёқ очилди. Гол муаллифи
22 рақамдаги Бюнг Жун. Корея-
лар шу билан тинчланишмади.
Ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан
майдонда ҳукмронлик қилишга
ҳаракат қилишди. Бироқ 15 дақиқа-
ларга бориб, қалдирғочлар ўз май-
донларида ўйнаётганликларини эс-
лаб қолишди чамаси аста-секин ра-



"БУНЁДКОР"НИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ

қиб дарвозаси олдида хавфли вазиятлар яратишга
тушибди. Рақиб жарима майдонидан унча узоқда
бўлмаган жойда Анвар Солиевга нисбатан ўйин қоида-
си бузилди. Жарима тўпини эса жамоа сардори Ри-
валдо амалга оширди. Унинг рақиб жарима майдони-
га етказиб берган тўпини Хайрулла Каримов бўш
дарвозага тўртлаб қўйи олмаси. Муваззатни тиклашга
уринган майдон эгалари бирин-кетин хавфли ҳужум-
ларни уюштира бошлади. Аввалига Саҳоб Жўраев-
нинг чамаси 24 метрлардан берган зарбасини рақиб
дарвозабони қийинчилик билан майдон ташқариси-
га чиқариб юборди. Сал ўтмай эса Жепаровнинг ажой-
иб пасини Анвар Солиев боши билан дарвозага
йўналтирди. Аммо Хаё Ёнг маҳорат кўрсатиб ўз дар-
возаси даҳлсизлигини сақлаб қолди. Бироқ "Бунёд-
кор" барибир ўз ниятига эришди. Ўйиннинг 29 дақи-
қасида бурчак тўпиндан сўнг дарвозабон муштлари
билан тўпни қайтариб юборган тўпга биринчи бўлиб
етиб келган Виктор Карпенко рақиб дарвозасини
ишғол қилди. Гол шу қадар чиройли бўлдики, ҳатто
рақиб дарвозабони ҳам қарсақ чалиб Карпенкони ол-
қилди. Шундан сўнг ҳар иккала жамоа вакиллари
ҳам ишқибозларни ҳаяжонга соладиган вазиятларни
бошқа ярата олишмади.

Иккинчи бўлим эса умуман бошқача руҳда бош-
ланди. Қалдирғочларнинг шашти баланд эди. Иккин-
чи бўлимга старт берилиши билан "Бунёдкор" ҳужум-
га ўтди. Кетма-кет рақиб дарвозаси олдида хавфли
вазиятлар юзага келди бошлади. Учрашувнинг 65
дақиқасида Анвар Солиевни қўполлик билан тўхта-
тиб қолгани учун рақиб ҳимоясини Хёнг Илга ик-
кинчи сарик қарточка кўрсатилди ва у майдонни эрта

тарк этишга мажбур бўлди. Ҳимоячининг қизил
қарточка олганлиги Серхио Фарнаси хавотирга сол-
ди ва у мажбурий ўзгартиришларни амалга ошириш-
ни бошлади. Натижада жамоанинг асосий ҳужумчи-
си Денилсонни майдондан олашга мажбур бўлди. Ра-
қибларнинг сон жиҳатдан камайиши ўз-ўзидан қал-
дирғочларга қўл келди. Меҳмонлар ҳужумлари жил-
дий кўриниш ола бошлади. Энди Ҳасанов ўзини кўрса-
та бошлади. Ўйиннинг 79 дақиқасида унинг жарима
майдонига кириб бориб оширган тўпини Жепаров
голга айлантирди (2:1). Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас
Ривалдо жуда қулай имкониятга эга бўлди. Аммо таж-
рибали футболчининг зарбаси анча юқорилаб кетди.
Қалдирғочлар иложи борида ҳисобни йирикроқ кўри-
нишга олиб келиш учун астойдил тер тўка бошладилар.
Ва бу ўйиннинг 85 дақиқасида ўз самарасини
берди. Яна Ҳасанов чап қанотдан ҳужумга ўтиб, ра-
қиб жарима майдонига тўпни ҳаволатиб узатди. Ра-
қиб дарвозабони тўпга чиқишда хатоликка йўл қўйди
ва Жепаров бўш қолган дарвозани ишғол қилди (3:1).
Шундай қилиб "Бунёдкор" анча хавфли бўлган рақиб-
ини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Кореяда
бўладиган ўйин олдидан бироз яхши имкониятга эга
бўлиб олди. Эндиги масала меҳмонда ҳимояни мус-
таҳкам ушлаш. Умид қиламиз, қалдирғочларнинг
парвози Кореяда ҳам муваффақиятли бўлади.

Шу ўринда яна бир маълумот. Бутун 18:30 "Пах-
такор" марказий ўйингоҳида ОЧЛда Ўзбекистон ша-
рафини ҳимоя қилаётган яна бир жамоамиз "Пахта-
кор" Саудия Арабистонининг "Ал Иттиҳод" клубига
қарши майдонга тушади. Бу ўйинда пахтакорчиларга
омад тилаб қоламиз.

Максудали ҚАМБАРОВ

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси жамоаси ва
фахрийларни ижтимоий қўллаб-
қувватлаш жамоатчилиги Марка-
зи прокуратура фахрийлиги Умар-
қул Усмоновга турмуш ўртоғи
Саодат ҲОЗИЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати би-
лан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси
Харбий прокуратураси жамоа-
си, Қарши Харбий прокурату-
раси катта терговчиси адлия
лейтенанти Алишер Аҳмедовга
оғаси

Холмда ая АҲМЕДОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур
таъзия изҳор этади.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV,
Bahridin VALIYEV, Baxtiyor
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
2007 yil 22 yanvarda O188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va
suratlar egalarga qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan
farqlanishi mumkin. Nashrimizdan
ko'chirib bosilganida «HUQUQ»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat
ahamiyatiga molik materiallar **
belgisi ostida chop etiladi.

Nashr ko'rsatkichi - 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-8137. 21 382 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: Y.PARDA
Navbatchi: O' DEHQONOV
Musahhir: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 23.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.
Sotuvda
kellishilgan narxda